

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ** 17-18-сон  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ** (53-54)  
**ТЎПЛАМИ** 2002 й.  
сентябрь

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами тўрт бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг тўртинчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади.*

## **МУНДАРИЖА**

### *Биринчи бўлим*

127. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги 395–II-сон Қонуни
128. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги 402–II-сон Қонуни
129. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2002 йил 30 августдаги 403–II-сон қарори
130. «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги 404–II-сон Қонуни

### *Иккинчи бўлим*

131. «Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 5 сентябрдаги ПФ–3127-сон Фармони
132. «Космик тадқиқотларни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 сентябрдаги ПФ–3135-сон Фармони

*Учинчи бўлим*

133. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 сентябрдаги 313-сон қарори
134. «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги 315-сон қарори
135. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги 317-сон қарори
136. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 сентябрдаги 324-сон қарори
137. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сон қарори
138. «Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 сентябрдаги 327-сон қарори
139. «Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарори
140. «Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги Низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари кўрсатиш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 сентябрдаги 332-сон қарори
141. «Космик тадқиқотларни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 334-сон қарори
142. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 сентябрдаги 335-сон қарори

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

# 127 «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1996 йил 30 августда қабул қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 133-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинмоқда).

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 29 август,  
395-II-сон

### Селекция ютуқлари тўғрисида (янги таҳрири)

#### I. Умумий қоидалар

##### **1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

##### **2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**зот** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан паррандалар, ҳашаротлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари айнан шу гуруҳга хос бўлади ва уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги (зонал) тип, завод типи, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**иш берувчи** — селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини молиялаштираётган юридик ёки жисмоний шахс;

**лицензиар** — селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга лицензия шартномаси асосида берувчи патент эгаси;

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

**лицензиат** — селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиардан лицензия шартномаси асосида олган юридик ёки жисмоний шахс;

**нав** — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқаларидан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**патент эгаси** — селекция ютуғига берилган патентнинг эгаси;

**селекция ютуғи** — ўсимликларнинг янги нави, ҳайвонларнинг янги зоти;

**талабнома берувчи** — селекция ютуғига патент бериш ҳақида талабнома топширган юридик ёки жисмоний шахс.

### **3-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-модда. Селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг ташкилий асослари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Патент идораси селекция ютуқларига патентлар бериш ҳақидаги талабномаларни (бундан буён матнда патент бериш ҳақидаги талабнома деб юритилади) қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, улар бўйича расмий экспертиза ўтказади, Ўсимлик навлари давлат реестрини ҳамда Ҳайвон зотлари давлат реестрини (бундан буён матнда реестр деб юритилади) юритади, селекция ютуқларига патентлар беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, муҳофаза қилинаётган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашга доир қоидалар қабул қилади ҳамда тушунтиришлар беради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорвачиликда наслчилик ишлари бўйича бош давлат инспекцияси (бундан буён матнда ихтисослаштирилган ташкилотлар деб юритилади) талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказади.

### **5-модда. Селекция ютуғининг муаллифи**

Ижодий меҳнати билан ўсимликларнинг янги нави ёки ҳайвонларнинг янги зотини яратган (чиқарган ёки аниқлаган) жисмоний шахс селекция ютуғининг муаллифи деб эътироф этилади.

Агар селекция ютуғини яратишда бир нечта жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳаммуаллифлар деб эътироф этилади. Ҳаммуаллифларга тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатларида ҳамда улар ўртасидаги келишувда белгиланади.

Муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўз номи (номлари) патент бериш ҳақидаги талабно-

мада, патентда ва селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган барча материалларда кўрсатилиши ҳуқуқига эга.

**6-модда. Патент эгаси**

Селекция ютуғига патент:

селекция ютуғининг муаллифига (ҳаммуаллифларига) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига);

муаллиф ёки унинг меросхўри томонидан патент бериш ҳақидаги талабномада ёки селекция ютуғи рўйхатдан ўтказилгунга қадар Патент идорасига топширилган талабнома берувчини ўзгартириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган юридик ва (ёки) жисмоний шахсларга (улар рози бўлган тақдирда);

ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳолларда иш берувчига берилади.

**7-модда. Хизмат тартибида яратилган селекция ютуғи патентининг эгаси**

Агар муаллиф (ҳаммуаллифлар) селекция ютуғи яратилаётганда:

ўзи (ўзлари) эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадини кўзлаб зиммасига (зиммаларига) махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи томонидан ўзига (ўзларига) берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

ўзи (ўзлари) иш жараёнида орттирган, иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Агар иш берувчи яратилган селекция ютуғи тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан хабардор қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда, иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товлон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи селекция ютуғини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган селекция ютуғининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) селекция ютуғига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Муаллифга (ҳаммуаллифларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, агар селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентнинг амал қилиш муддати давомида тўлайди.

Ҳақ муаллифга (ҳаммуаллифларга) селекция ютуғидан фойдаланилган ҳисобот даври тугаганидан кейин узоғи билан олти ой ичида тўланади.

## II. Селекция ютуғининг патентга лаёқатлилиги

**8-модда. Селекция ютуғига ҳуқуқий муҳофаза бериш шартлари**

Агар селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий муҳофаза қилинади.

Ушбу Қонун 13-моддасининг талабларига мувофиқ селекция ютуғининг номи бўлиши лозим.

**9-модда. Янгилик**

Агар уруғлик, навнинг кўчат материали ёки зотнинг насл материали патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки, агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин муаллиф, унинг меросхўри томонидан ёхуд уларнинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

**10-модда. Фарқланиш**

Селекция ютуғи патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим.

Селекция ютуғи, агар патент бериш ҳақидаги талабнома ҳар қандай мамлакатда топширилган ва бу талабномага мувофиқ патент ёки муҳофазанинг шунга ўхшаш бошқа бир шакли берилган бўлса ёхуд селекция ютуғи шу мамлакатнинг селекция ютуқлари расмий реестрига киритилган бўлса, талабнома топширилган санада барчага маълум деб ҳисобланади.

Барчага маълумлик:

кейинчалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, такрор етиштириш, нав ёки наслик кондициясига етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб кирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

**11-модда. Турдошлик**

Агар кўпайтиришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олганда муайян навли ўсимликлар ёки муайян зотли ҳайвонлар селекциялаштириш белгиларига кўра бир хилликка эга бўлса, селекция ютуғи турдош ҳисобланади.

**12-модда. Барқарорлик**

Агар селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

**13-модда. Селекция ютуғининг номи**

Селекция ютуғининг талабнома берувчи таклиф этган ва Патент идораси томонидан қабул қилинган номи бўлиши лозим.

Селекция ютуғининг номи селекция ютуғини идентификация қилиш имконини бериши, қисқа бўлиши, шу ёки шунга яқин ботаник ёхуд зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фарқланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақат рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида, муаллифнинг (хаммуаллифларнинг) шахси ҳақида янгилишларга олиб келмаслиги, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Селекция ютуғининг номи тегишли реестрга айни бир вақтда муҳофаза этиладиган селекция ютуғи тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилган ҳолда қайд этилади.

Агар патент бериш ҳақидаги талабнома Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда топшириладиган бўлса, селекция ютуғининг номи бу талабномаларда бир хил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида шартнома тузган мамлакат ҳудудида уруғликни, навнинг кўчат материални ёхуд зотнинг насл материални сотишни таклиф этаётган ёки сотаётган ҳар қандай шахс селекция ютуғининг номидан, агар учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари бундан фойдаланишга тўсқинлик қилмайдиган бўлса, ҳатто селекция ютуғига берилган патентнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам фойдаланиши шарт.

### III. Селекция ютуғига патент олиш

#### 14-модда. Селекция ютуғининг патенти

Патентга лаёқатлилик мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ботаник ва зоологик оила турқумлари ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига патент берилди.

Селекция ютуғининг патенти (бундан буён матнда патент деб юритилди) селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, турдошлиги ва барқарорлигини, шунингдек патент эгасининг селекция ютуғининг номи, селекция ютуғига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патент эгасининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Патент идорасининг расмий ахборотномасида маълумот эълон қилинган санадан эътиборан амалда деб ҳисобланади.

Патентнинг амал қилиш муддати селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинган санадан эътиборан йигирма йилга тенг. Ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон дарахтларининг навлари, шу жумладан уларнинг пайвандтаглари учун бу муддат йигирма беш йилни ташкил этади.

Патентнинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

#### 15-модда. Патентга бўлган ҳуқуқ

Патентга бўлган ҳуқуқ муаллифга (хаммуаллифларга) ёки унинг (уларнинг) меросхўрига (меросхўрларига) тегишлидир.

Агар бир нечта шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлса, патентга бўлган ҳуқуқ уларнинг ҳаммасига тегишли бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечтасининг патентга бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларининг патент олиш ҳаракатларини содир этишига ҳамда патент олиш таомилида иштирок этишига тааллуқли бўлмайди.

Муаллиф (хаммуаллифлар) ўзининг (ўзларининг) хизмат вазифаларини, муайян топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос хусусиятини ташкил этадиган билим ва тажриба ёрдамида яратилган селекция ютуғига бериладиган патентга бўлган ҳуқуқ, агар бу улар ўртасидаги шартномада назарда тутилган бўлса, иш берувчига тегишлидир.

Агар селекция ютуғини бир нечта шахс бир-биридан мустақил равишда яратган бўлса, патент олиш ҳуқуқи патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идорасига олдинроқ топширган шахсга, башарти бу талабнома чақириб олинмаган ёки рад этилмаган бўлса, тегишлидир.



Муаллиф (хаммуаллифлар), агар ўзи (ўзлари) яратган селекция ютуғини бошқалар гайриқонуний ўзлаштириб олиши натижасида бу селекция ютуғига талабнома топширилган ёки патент олинган бўлса, патент берилганлигига қарши эътироз билдириш ёхуд патент эгаси сифатида ўзига (ўзларига) патентнинг ўтказилишини суд тартибида талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ходимлари ана шу идора ва ташкилотларда ишлаган бутун даврида ҳам, ишдан кетганларидан кейин бир йил давомида ҳам патент олиш, шунингдек ўзларини муаллиф (хаммуаллифлар) сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

**16-модда. Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш**

Патент бериш ҳақидаги талабнома муаллиф (хаммуаллифлар), иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий вориси томонидан Патент идорасига топширилади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома шахсан, Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили орқали ёки ишончли шахс орқали топширилиши мумкин. Бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлмаган фуқаролари ва бошқа давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида доимий манзили бўлмаган юридик шахслари, уларнинг патент вакиллари ёки ишончли шахслари патент олиш ва уни ўз кучида сақлаш борасидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг патент вакиллари орқали олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари унга талабнома берувчи ёки ишончли шахс берган ишончнома билан тасдиқланади.

**17-модда. Патент бериш ҳақидаги талабноманинг мазмуни**

Патент бериш ҳақидаги талабнома:

муаллиф (хаммуаллифлар) ва кимнинг номига патент сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек уларнинг турар жойи ёки манзилига доир маълумотлар кўрсатилган патент бериш ҳақидаги аризани;

селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклифни;

селекция ютуғининг тавсифини (техникавий анкетасини);

селекция ютуғи намуналарининг фотосуратларини;

талабнома берувчи томонидан ўтказилган селекция ютуғи синовларига доир ҳужжатларни;

талабнома берувчининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги, у сотилмаганлиги, ўзга шахсга берилмаганлиги ҳамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиқлайдиган декларациясини;

селекция ютуғининг устуворлигини тасдиқловчи ҳужжатни (зарурат бўлганда);

талабнома берувчининг селекция ютуғини синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга тақдим этиш мажбуриятини;

талабнома патент вакили ёки ишончли шахс орқали топширилганида уларга берилган ишончномани;

патент божи белгиланган миқдорда тўланганлигини ёхуд патент божи тўлашдан озод қилиш, шунингдек унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжатни ўз ичига олган бўлиши керак.

Патент бериш ҳақидаги талабнома битта селекция ютуғига тааллуқли бўлиши лозим.

Патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган сана ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ бўлган ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган санага қараб белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хат бошиларида кўрса-



тилган ҳужжатлар талабнома берувчи томонидан патент бериш ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан уч ой ичида тақдим этилади. Агар талабнома берувчи кўрсатилган муддат ичида ана шу ҳужжатларни тақдим этмаса ёки кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома топширилмаган ҳисобланади.

Патент бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига доир талабларни Патент идораси ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда белгилайди.

Патент бериш ҳақидаги талабномаларнинг материаллари Патент идорасида сир сақланиши шарт ва талабномаларнинг расмий экспертизасини ўтказиш даврида талабнома берувчининг розилигисиз бу материаллар тўғрисида ахборотлар берилмайди.

#### **18-модда. Селекция ютуғининг устуворлиги**

Селекция ютуғининг устуворлиги ушбу Қонуннинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасига топширилган санага кўра белгиланади.

Агар патент бериш ҳақидаги айнан ўхшаш талабномалар айни битта устуворлик санасига эга бўлса, у ҳолда патент Патент идорасига бирмунча олдинроқ сана билан юборилган ёки рўйхатга олиш кириш рақами бирмунча олдинроқ қайд этилган талабномага берилади.

Агар талабнома берувчи Патент идорасига патент бериш ҳақидаги талабномани топширишдан олдин Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида шартнома тузган бошқа давлатга талабнома (бундан буён матнда биринчи талабнома деб юритилади) топширган бўлса, талабнома берувчи талабнома тушган

санадан эътиборан ўн икки ой давомида биринчи талабнома бўйича устуворлик ҳуқуқига эга бўлади.

Талабнома берувчи Патент идорасига юборилаётган патент бериш ҳақидаги талабномасида биринчи талабноманинг устуворлик санасини кўрсатиши лозим. Талабнома берувчи талабнома Патент идорасига топширилган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг нусхасини ва таржимасини тақдим этиши шарт. Бу шартлар бажарилган тақдирда, талабнома берувчи биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил мобайнида қўшимча ҳужжатлар ва синов учун зарур материал тақдим этмасликка ҳақли.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муддатга риоя этмаслик, шунингдек белгиланган патент божларини тўламаслик талаб қилинаётган устуворлик эътироф этилмаслигига сабаб бўлади.

Патент бериш ҳақидаги кейинги талабномани топшириш, биринчи талабноманинг предмети бўлган селекция ютуғини эълон қилиш ёки ундан фойдаланиш, агар бу ишлар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддат ичида амалга оширилган бўлса, кейинги талабномани рад этиш учун асос бўла олмайди. Бундай ҳоллар учинчи шахсларнинг бирон-бир ҳуқуқлари юзага келиши учун ҳам асос бўла олмайди.

#### **19-модда. Селекция ютуғининг давлат экспертизаси**

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат экспертизаси талабноманинг расмий экспертизасини ва мазкур селекция ютуғи янгилик эканлигини экспертиза қилишдан ҳамда фарқланиш, турдошлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида синовдан ўтказишдан иборат патентга лаёқатлилиқ экспертизасини ўз ичига олади.

#### **20-модда. Талабноманинг расмий экспертизаси**

Талабноманинг расмий экспертизаси талабнома топширилган санадан бошлаб икки

ой ўтгандан кейин ўтказилади. Экспертиза мобайнида устуворлик санаси белгиланади, зарур ҳужжатларнинг қўйилаётган талабларга қанчалик мослиги текширилади.

Талабнома берувчи талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой мобайнида ўз ташаббуси билан талабнома материалларига қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар киритишга ҳақлидир.

Агар зарур қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар белгиланган муддатда киритилмаган ёхуд патент бериш ҳақидаги талабнома тушган санада ундаги етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Талабнома берувчи томонидан ўтказиб юборилган муддат, унинг бу муддат ўтганидан кейин олти ойдан кечиктирмай топширган илтимосномасига биноан, Патент идораси томонидан тикланиши мумкин.

Талабноманинг расмий экспертизаси натижалари бўйича Патент идорасининг қарори талабнома берувчига маълум қилинади.

Талабнома берувчи Патент идорасининг қарорига рози бўлмаса, қарор юборилган санадан эътиборан уч ой мобайнида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (бундан буён матнда Апелляция кенгаши деб юритилади) мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши лозим.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

Расмий экспертизадан ўтган патент бериш ҳақидаги талабномани Патент идораси патентга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиш учун тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга юборади.

#### **21-модда. Селекция ютуғининг муваққат ҳуқуқий муҳофазаси**

Муҳофаза талаб қилинган селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий муҳофаза патент бериш ҳақидаги талабномага оид маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи тегишли реестрда рўйхатга олинadиган санага қадар белгиланади.

Селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий муҳофаза амал қиладиган даврда талабнома берувчига нисбатан ушбу Қонуннинг 30-моддасига мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқи амал қилади.

Агар патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят қилиш имкониятлари тугаган бўлса, муваққат ҳуқуқий муҳофаза бошланмаган деб ҳисобланади.

Муҳофаза талаб қилинган селекция ютуқларидан уларга муваққат ҳуқуқий муҳофаза белгиланган даврда фойдаланаётган шахс патент олинганидан кейин патент эгасининг талабига биноан унга товон пули тўлаши шарт, бу товоннинг миқдори патент эгаси билан тузилган келишувда белгилаб қўйилади.

#### **22-модда. Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизаси**

Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд ҳужжатлар ва далил-исботлар, шу жумладан ўз ташаббуси билан олган ахборотлар асосида амалга оширади ҳамда талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисида Патент идорасига хулоса тақдим этади. Патент идораси янгилик мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида талабнома берувчини ёзма равишда хабардор этади.

Патент бериш ҳақидаги талабномага оид маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай манфаатдор шахс талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик эканлигига нисбатан ўз эътирозини тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга юбориши мумкин.

Тегишли ихтисослаштирилган ташкилот эътироз олинганлигини талабнома берувчига маълум қилади. Талабнома берувчи эътирозга рози бўлмаса, билдиришнома олинган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида ихтисослаштирилган ташкилотга асосланган эътироз талабини юбориш ҳуқуқига эга. Ихтисослаштирилган ташкилот келиб тушган материаллар юзасидан қарор қабул қилади ва манфаатдор шахс ҳамда талабнома берувчини бундан хабардор этади.

Агар талабномада кўрсатилган селекция ютуғи янгилик мезонига номувофиқ бўлса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан Апелляция кенгашига апелляция билан мурожаат этиши мумкин. Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши керак.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

### **23-модда. Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари**

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари фарқланиш, турдошлик ва барқарорлик мезонларига мосликни синашдан иборатдир.

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар белгилаган усул ва муддатларда, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган давлат нав синаш станцияларида, давлат нав синаш участкаларида, бошқа ташкилотларда ўтказилади.

Талабнома берувчи синов ўтказиш учун керакли миқдордаги уруғликни, кўчат ёки насл материаллини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга, кўрсатилган муддатларда тақдим этиши шарт.

Ихтисослаштирилган ташкилот талабнома берувчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилган синов натижаларидан фойдаланишга ҳақли.

Ихтисослаштирилган ташкилот синов натижаларига кўра селекция ютуғининг патентга лаёқатлилик мезонларига мослиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Агар селекция ютуғи патентга лаёқатлилик мезонларига, унинг номи эса белгиланган талабларга жавоб берса, ихтисослаштирилган ташкилот селекция ютуғининг расмий тавсифини тайёрлайди, Патент идораси эса патент бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Агар селекция ютуғи патентга лаёқатлилик мезонларига жавоб бермаса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабнома берувчи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг қарори устидан Апелляция кенгашига апелляция билан мурожаат қилиши мумкин. Агар селекция ютуғини қўшимча равишда синаш зарурияти юзага келмаса, Апелляция кенгаши апелляция келиб тушган санадан эътиборан икки ойлик муддат ичида уни кўриб чиқиши керак.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

### **24-модда. Патент бериш ҳақидаги талабномани чақириб олиш**

Патент бериш ҳақидаги талабнома патент бериш тўғрисида ёки патент беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар талабнома берувчининг ёзма илтимосномасига биноан чақириб олиниши мумкин.

Талабнома берувчилар бир нечта бўлса, патент бериш ҳақидаги талабнома фақат улардан ҳар бирининг розилиги билан чақириб олиниши мумкин.

**25-модда. Селекция ютуғини рўйхатга олиш**

Патент идораси патент бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин селекция ютуғини тегишли реестрда рўйхатга олади.

**26-модда. Селекция ютуғига доир маълумотларни расман эълон қилиш**

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган патент бериш ҳақидаги талабномаларга, рўйхатга олинган селекция ютуқларига, Патент идорасининг юридик аҳамиятга эга ҳаракатларига доир маълумотлар, селекция ютуқларининг тўлиқ тавсифлари, ҳуқуқлардан бошқанинг фойдасига воз кечиш тўғрисидаги рўйхатга олинган шартномалар ва лицензия шартномалари, шунингдек селекция ютуқларига тааллуқли бошқа маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

**27-модда. Патент бериш**

Патентни Ўзбекистон Республикаси номидан Патент идораси беради.

Селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай шахс патент берилишига эътироз билдиришга ҳақлидир.

Патент берилишига доир эътирозни Апелляция кенгаши тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида эътироз билдирилган санадан эътиборан олти ой ичида кўриб чиқади.

Агар патент берилишига эътирозлар билдирилмаган ёки бундай эътирозлар рад этилган бўлса, Патент идораси селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ўтгач, патент беради.

Патент бир нечта шахс номига сўралганда уларга битта патент берилади.

Патентнинг шакли ва унда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган патентдаги кўзга яққол ташланиб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига кўра Патент идораси томонидан тузатилади.

Патент эгаси патентни олганидан кейин муҳофаза қилинаётган селекция ютуғига тааллуқли зарур материални сақлаш учун юборади.

**28-модда. Селекция ютуғини сақлаш**

Патент эгаси навни, зотни патентнинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаши шартки, токи нав, зот тегишли реестрда рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақланиб қолсин.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар ва (ёки) Патент идорасининг сўровига биноан назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материални юбориши ва жойнинг ўзида текшириб кўрилиши учун имконият яратиб бериши шарт.

**29-модда. Патент божлари**

Патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент бериш, уни ўз кучида сақлаб туриш, шунингдек селекция ютуғининг ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга бошқа ҳаракатларни бажариш учун патент божлари ундирилади. Патент божлари Патент идорасига тўланади.

Патент божларининг миқдори ва уларни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўловларнинг миқдорини камайтириш ёки уларни қайтариб бериш асослари,

шунингдек патент божларидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Патент божлари талабнома берувчи, патент эгаси ва бошқа манфаатдор шахс томонидан тўланади.

Патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божларини тўлаш мақсадида, қўшимча патент божи тўланган тақдирда, патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади.

Агар патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи ва қўшимча патент божи имтиёзли муддат мобайнида тўланмаса, патентнинг амал қилиши патент божи белгиланган муддатда тўланмаган кундан эътиборан тугатилади.

#### IV. Патент эгасининг ҳуқуқи

##### 30-модда. Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи

Селекция ютуғидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ патент эгасига тегишлидир.

Манфаатдор шахс муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материаллини:

етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

нав ёки наслик кондициясига етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

юқорида кўрсатиб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент эгасининг рухсатини олиши керак.

Патент эгаси ўз хоҳишига кўра рухсат бирон-бир шарт ва (ёки) чекловлар билан берилишини олдиндан таъкидлаб ўтишга ҳақли.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз фуқаролик муомаласига киритилган нав уруғлигининг кўчат материалдан етиштирилган ўсимлик материалга ёки наслдор ҳайвонлардан етиштирилган товарбоп ҳайвонларга нисбатан ҳам амал қилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни навнинг уруғлик, кўчат материалга ёки зотнинг насл материалга нисбатан амалга ошириш учун:

агар бу материал ўзида муҳофаза қилинаётган нав, зот белгиларини асосан сақлаб қолган бўлса ва ана шу муҳофаза қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини асосан сақлаб қолган нав ёки зот бўлмаса;

агар бу материал ушбу Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан аниқ-равшан фарқ қилмайдиган бўлса;

агар бу материал муҳофаза қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилаётган бўлса, патент эгасининг рухсатини олиш зарур.

Агар нав ёки зот:

дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ёки зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотипи ёхуд генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларни сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

табiiй ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав ўсимликлари ёки зот ҳайвонларидан айрим мутантни саралаб олиш, беккросс, нав ёки зотни ген инженерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли усулларни қўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда, дастлабки нав ёки зотдан аниқ-равшан

ажралиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотиби ёхуд генотиплар комбинациясига мос келса, ўзида бошқа (дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини асосан сақлаб қолган нав ёки зот деб эътироф этилади.

Бир нечта патент эгасига тегишли патент билан муҳофаза қилинган селекция ютуғидан фойдаланишдаги ўзаро муносабатлар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ белгиланади. Бундай келишув бўлмаса, ҳар бир патент эгаси муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиши мумкин, бироқ муҳофаза қилинаётган селекция ютуғига бошқа патент эгаларининг розилигисиз мутлақ лицензия беришга ёки патентдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга ҳақли эмас.

### **31-модда. Патент эгасининг ҳуқуқларидан истиснолар**

Муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан:

шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш;

синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш;

бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалдан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудида фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

### **32-модда. Патент эгаси ҳуқуқларининг тугаши**

Муҳофаза қилинаётган нав ёки зотга доир ҳар қандай материал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш ёхуд бошқа усулларда ўтказиш орқали ёхуд қайта ишлаш ва истеъмол мақсадларида тегишли ботаник ёки зоологик турдаги нав ёки зот муҳофаза қилинмайдиган мамлакатга олиб чиқиш орқали фуқаролик муомаласига киритилганидан кейин муҳофаза қилинаётган нав ёки зотнинг ҳар қандай материалига доир хатти-ҳаракатларга нисбатан патент эгасининг ҳуқуқи амал қилмайди.

Агар навни ёки зотни сотиш ва бошқа усулларда ўтказиш ушбу нав ёки зотни кейинчалик кўпайтиришга қаратилган бўлса ёхуд тегишли оила туркуми ёки турдаги нав ёхуд зот муҳофаза қилинмайдиган мамлакатларга кўпайтириш мақсадида навнинг ўсимлик материални ёки зотнинг насл материални олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, ушбу модда биринчи қисмининг шартлари бу нав ёки зотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### **33-модда. Патент эгаси ҳуқуқининг бузилиши**

Рухсат олмаган ҳолда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

селекция ютуғини нав ёки наслик кондицияларига етказиш;

муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулотни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш;

сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки талабнома берувчи ёхуд патент эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий таомилларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилган ҳолда, селекция ютуғига оид тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши деб эътироф этилади.



## V. Патент амал қилишининг тугатилиши

### 34-модда. Патентни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш

Патент ўзининг бутун амал қилиш муддати давомида, агар:  
селекция ютуғи патент бериш санасида янгилик ёки фарқланиш мезонларига мос келмаган бўлса;

патент талабнома берувчи такдим этган селекция ютуғининг турдошлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса, патентга нисбатан эътироз билдирилиши ва у ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳар қандай шахс Апелляция кенгашига патентни ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида апелляция бериши мумкин.

Апелляция кенгаши апелляция нусхасини патент эгасига жўнатади, патент эгаси уч ойлик муддат ичида далил-асосли жавоб қайтариши лозим.

Апелляция кенгаши, агар селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, апелляция бўйича олти ой ичида қарор қабул қилади.

Апелляция кенгашининг қарори устидан қарор қабул қилинган санадан эътиборан олти ой ичида судга шикоят қилиниши мумкин.

### 35-модда. Патентнинг амал қилишини муддатидан илгари тугатиш

Патентнинг амал қилиши:

патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаса;

патент эгаси Патент идорасига патентдан воз кечиш тўғрисида ариза топширса, муддатидан илгари тугатилади.

Патентнинг амал қилиши муддатидан илгари тугатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

### 36-модда. Патентни бекор қилиш

Қуйидаги ҳолларда:

селекция ютуғи бундан буён турдошлик ва барқарорлик мезонларига мувофиқ келмай қолса;

патент эгаси ихтисослашган ташкилотлар ёки Патент идорасининг сўровига биноан ўн икки ой ичида уруғликларни, кўчат, насл материалларини, ҳужжатлар ва ахборотни селекция ютуғи ўз кучини сақлаб қолганлигини текшириш учун такдим этмаган ёки шу мақсадларда селекция ютуғи жойнинг ўзида текшириб кўрилиши учун имконият яратиб бермаган бўлса;

селекция ютуғининг номи бекор қилинаётган, патент эгаси эса бошқа муносиб номни таклиф этмаган бўлса, патент бекор қилинади.

Патентнинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

### 37-модда. Патентдан воз кечиш

Патент эгаси ёзма ариза бериб, патентдан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир нечта патент эгаларидан бирининг патентдан воз кечиши патентнинг амал қилиши тугатилишига олиб келмайди.

Патентдан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.



Патент эгаси патентдан воз кечиш нияти тўғрисида муаллифни хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда муаллиф патентга эгалик қилишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Агар патент лицензия шартномасининг объекти бўлса ва башарти шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, патентдан фақат лицензия эгасининг розилиги билан воз кечиш мумкин бўлади.

## VI. Яқунловчи қоидалар

### 38-модда. Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш

Патент олиш ҳуқуқи, патент бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасида рўйхатга олинганлиги натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқлар, шунингдек патентдан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсга ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома ёки лицензия шартномаси асосида, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос бўлиб ўтиши орқали амалга оширилиши мумкин.

Селекция ютуғидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши керак.

### 39-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш

Патент берилган нав ёки зот лицензия шартномасининг предмети бўлиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахс патент билан муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билангина лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақлидир.

Патент эгаси селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш (очиқ лицензия) тўғрисида Патент идорасига ариза топшириши мумкин. Бу ҳолда патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун ундириладиган патент божи эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чақириб олинмайди.

Очиқ лицензия олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан лицензия шартномасини тузиши шарт.

Патент эгаси мутлақ лицензия ёки номутлақ (оддий) лицензия берган ҳолда селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Мутлақ лицензия берилганида лицензиат селекция ютуғидан лицензия шартномасида кўрсатилган доирада фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ олади, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқининг лицензиатга берилмайдиган қисми лицензиарда сақланиб қолади.

Номутлақ (оддий) лицензия берилганида лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, патентдан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

### 40-модда. Мажбурий лицензия

Агар патент эгаси патент берилган санадан эътиборан уч йил мобайнида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва, агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига дахл этадиган бўлса, бу селекция ютуғидан фойдаланиш истагидаги шахс

ўзига мажбурий лицензия беришни сўраб ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий лицензия номутлақ (оддий) лицензия тариқасида берилади ва унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материални олиш ҳуқуқини беради.

Мажбурий лицензия фақат селекция ютуғидан ижозат этиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланилишини таъминлай оладиган шахсга берилади.

Мажбурий лицензия патент эгасининг муҳофаза қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш учун бошқа шахсга лицензияни беришига тўсқинлик қилмайди.

**41-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш**

Агар етиштирилган, такрор етиштирилган, нав ёки наслик кондициясига ёки кейинчалик кўпайтириш даражасига етказилган уруғлик, кўчат ёки насл материали ўзининг морфологик, физиологик ва бошқа белгилари бўйича муҳофаза қилинаётган селекция ютуғининг расмий тавсифида акс эттирилган маълумотларга мос келса, селекция ютуғидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

**42-модда. Селекция ютуқларини бошқа давлатларда патентлаш**

Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари селекция ютуқларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа давлатларда патентлаш ҳуқуқига эга.

**43-модда. Чет эллик юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари**

Чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан тенг равишда ёки келишув принципи асосида фойдаланадилар.

**44-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Селекция ютуқларини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**45-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**128 Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида****1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**донор** — ўз қони ва унинг таркибий қисмларидан бир қисмини тиббиёт эҳтиёжлари учун ихтиёрий равишда берувчи жисмоний шахс;

**донор қони банки** — қон билан ишлаш хизмати томонидан вужудга келтирилдиган ва янгилаб бориладиган, узоқ муддат сақлашга мўлжалланган донор қони таркибий қисмларининг захиралари;

**донор қони препаратлари** — донор қони таркибий қисмларини қайта ишлашда олинган даволаш воситалари;

**донор қони таркибий қисмлари** — қоннинг қон плазмаси ва ҳужайралари шаклидаги таркибий қисмлари.

**3-модда. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**4-модда. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг асосий принциплари**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг ихтиёрийлиги;

қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безарарлиги;

донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлиги.

**5-модда. Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг ихтиёрийлиги**

Қон ва унинг таркибий қисмларини тиббиёт эҳтиёжлари учун топшириш донор томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Шахсни қон ва унинг таркибий қисмларини топширишга бирон-бир тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди.

**6-модда. Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безарарлигини таъминлаш**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг инсон учун безарарлиги қон билан ишлаш хизмати томонидан донор бўлишга розилик билдирган шахсни

тиббий кўриқдан ўтказиш, қон ва унинг таркибий қисмларини олишда тиббиёт ходимларининг санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этиши, шунингдек қон ва унинг таркибий қисмларини топширишнинг даврийлиги ва ҳажмига риоя этилиши орқали таъминланади.

**7-модда. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлигини таъминлаш**

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини ишлатиш хавфсизлигини таъминлаш соғлиқни сақлаш тизими даволаш-профилактика муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббиёт ходимлари донор қони ва унинг таркибий қисмлари сифати ҳамда хавфсизлигини кафолатловчи белгиланган стандартларга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишлари шарт.

**8-модда. Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш шартлари**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш бепул ва пулли асосда амалга оширилиши мумкин.

Донор қонининг таркибий қисмларини кейинчалик, зарурат бўлганда, донорнинг ўзига ишлатилишини кўзлаб топшириш (аутодонорлик) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**9-модда. Тиббий кўриқдан ўтказиш**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш ёши ўн саккизга тўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда тиббий кўриқдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади.

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш олдидан шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳамда уларнинг саломатлиги тўғрисида ҳужжат бериш бепул амалга оширилади.

**10-модда. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ва ишлатиш**

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлашни қон билан ишлаш хизмати амалга оширади.

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек донор қони препаратларини ишлатиш соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасаларида амалга оширилади.

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш ҳамда ишлатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлашни хусусий тартибда амалга ошириш тақиқланади.

**11-модда. Донор қони ва унинг таркибий қисмларига бўлган эҳтиёжлар**

Донор қони ва унинг таркибий қисмларига, шунингдек донор қони препаратларига бўлган эҳтиёжлар, донор қони банкини вужудга келтириш ва янгилаб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**12-модда. Қон билан ишлаш хизмати**

Қон билан ишлаш хизмати давлат соғлиқни сақлаш тизимининг донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш бўйича ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари мажмуидан иборат.

Қон билан ишлаш хизмати фаолиятини мувофиқлаштириб бориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда амалга оширилади.

**13-модда. Қон билан ишлаш хизмати ваколатлари**

Қон билан ишлаш хизмати қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этишни қўйидаги йўллар билан амалга оширади:

донор қони ва унинг таркибий қисмларини тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш;

аҳолини қон ва унинг таркибий қисмларини ихтиёрий равишда топширишга жалб этиш;

донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек донор қони препаратларини ишлатиш хавфсизлиги шароитларини таъминлаш;

донор қони ва унинг таркибий қисмлари, шунингдек донор қони препаратларининг ташилишини ташкил этиш;

донор қони банкини вужудга келтириш ва янгилаб бориш.

Қон билан ишлаш хизмати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижро этилишини таъминлайдилар;

ўз ҳудудларида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этадилар;

қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришга маҳаллий бюджетдан маблағлар ажратадилар.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

**15-модда. Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги мажбуриятлари**

Корхоналар, муассасалар, ташкилотлар маъмурияти, ҳарбий қисм командирлари (бошлиқлари):

шахсларни донорлар сафига жалб қилишда қон билан ишлаш хизматига қўмаклашадилар;

тиббий кўрикдан ўтадиган куни ва қон топширадиган куни донорни унинг мурожаатига биноан иш, хизмат ёки ўқиш жойидан соғлиқни сақлаш муассасаларига боришига монеликсиз рухсат берадилар, донорнинг шу кунлари иш ёки хизмат жойида бўлмаслиги одамлар ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдиришига, давлат мудофааси, хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар бажарилмаслигига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно;

қон топшириш ташкил этилиши учун зарур бўлган биноларни бериб турадилар;

донорга қонун ҳужжатларида белгиланган кафолатларни берадилар ҳамда рағбатлантириш чораларини қўллайдилар.

**16-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришдаги иштироки**

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини қон ва унинг таркибий қисмлари бепул донорлигига жалб қилишда, донорларга турли шаклдаги рағбатлантиришлар белгилашда, оммавий ахборот воситалари орқали аҳолининг кенг хабардор қилинишини ташкил этишда ҳамда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантиришга доир бошқа тадбирларда иштирок этишлари мумкин.

Аҳолини қон ва унинг таркибий қисмлари бепул донорлигига жалб этиш мақсадида қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш жамоат фондлари ташкил этилиши мумкин, бундай фондларни ташкил этиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**17-модда. Донорнинг ҳуқуқлари**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш чоғида донор қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

соғлиғи сақланиши кафолатининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланиши; соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши; бепул овқат билан таъминланиш.

Донор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**18-модда. Донор бўлишга розилик билдирган шахснинг мажбуриятлари**

Донор бўлишга розилик билдирган шахс тиббий кўрикдан ўтиш пайтида ўзи билган илгариги ва ҳозирги касалликлари тўғрисидаги маълумотларни маълум қилиши шарт.

**19-модда. Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Қон топшириш даврийлиги бир марталик қон олиш тўрт юз миллилитрдан, шунингдек лаборатория текширувлари учун йигирма миллилитрдан ортиқ бўлмаган нормада йилига тўрт мартабадан ошмаслиги керак.

Таркибий қисмларини ажратиб олиш, шунингдек лаборатория текширувлари учун қон топшириш даврийлиги ва ҳажми Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

**20-модда. Донорга бериладиган кафолатлар ва компенсациялар**

Қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек тиббий кўриқдан ўтадиган куни донор ана шу кунлар учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан озод қилинади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг ўқувчилари, олий ўқув юрларининг талабалари, таълим олувчиларнинг бошқа тоифалари қон ва унинг таркибий қисмларини топширадиган куни, шунингдек тиббий кўриқдан ўтадиган куни машғулотлардан, ҳарбий хизматчилар эса нарядларни бажаришдан, хизматни ўташнинг вахта ва бошқа шаклларида озод қилинадилар.

Донорга ҳар сафар қон ва унинг таркибий қисмларини топширган куннинг бевосита эртасига дам олиш учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бир кун

берилади. Донорнинг хоҳишига кўра мазкур дам олиш куни ҳар йилги меҳнат таъти-лига қўшиб берилиши мумкин.

**21-модда. Донорни рағбатлантириш**

Қон ва унинг таркибий қисмларини мунтазам равишда ва бепул топширувчи до-нор «Ўзбекистон Республикаси фахрий донори» кўкрак нишони билан тақдирлана-ди, кўкрак нишони тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Донор қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам рағбатлан-тирилиши мумкин.

**22-модда. Қон билан ишлаш хизмати тиббиёт ходимларини ижтимоий химоялаш**

Қон билан ишлаш хизматининг қон ва унинг таркибий қисмларини топшириш, уларни тўплаш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнида қон билан алоқада бўлувчи тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзлар берилади.

**23-модда. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек до-нор қони препаратларини олиб кириш ва олиб чиқиш**

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек донор қони препаратла-рини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва Ўзбекистон Республикасидан ташқа-рига олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белги-ланган тартибда амалга оширилади.

**24-модда. Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек до-нор қони препаратларини ташиш**

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек донор қони препаратла-рини ташиш тегишли транспорт турларида айрим тоифадаги махсус юкларни ташиш бўйича белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Донор қони ва унинг таркибий қисмларини, шунингдек донор қони препаратла-рини ташиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**25-модда. Фавқулодда вазиятларда қон ва унинг таркибий қисмла-ри донорлигини ташкил этиш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий офатлар, авариялар ва фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар рўй берган ҳолларда ва бошқа фавқулодда вазиятларда қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

**26-модда. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлан-тириш тадбирларини молиялаштириш**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш тадбирларини молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

**27-модда. Низоларни ҳал этиш**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги соҳасидаги низолар қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда ҳал этилади.



**28-модда. Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 30 август,  
402-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

**129 «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 30 август,  
403-II-сон

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

**130 «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

1) 4-моддаси:

иккинчи хат бошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«реклама — бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ёки жисмоний шахслар, маҳсулот, шу жумладан товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва технологиялар тўғрисида ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай воситалар ёрдамида қонун ҳужжатларига мувофиқ тарқатиладиган махсус ахборот»;

қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хат боши билан тўлдирилсин:

«аксилреклама — нотўғри (инсофсиз, била туриб ёлғон) реклама келтириб чиқарган ёки келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни бартараф этиш мақсадида тарқатиладиган раддия»;

2) 13-моддасининг учинчи қисмидаги «ваколатли давлат органи» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ёки унинг ҳудудий органлари (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 17-моддаси қуйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Дастурларнинг реклама қисмлари товушини телерадиодастурнинг товушига нисбатан баландроқ қилиш тақиқланади.

Телекўрсатувлар намойиш этилаётганда реклама мақсадларида ҳаракатланувчи сатрлардан фойдаланиш тақиқланади, реклама берилаётган пайтдаги ҳаракатланувчи сатрлар бундан мустасно»;

бешинчи ва олтинчи қисмлари тегишинча еттинчи ва саккизинчи қисмлар деб ҳисоблансин;

4) 20-моддасининг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташқи рекламага алоҳида махсус конструкцияларда, тахталавҳаларда, экранларда, биноларда, иншоотларда, йўл чеккаларида, кўча ёриткичларининг таянчлари ва ҳоказоларда жойлаштириладиган реклама киради»;

тўртинчи қисмидаги «ва кўрсаткич белгилар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ташқи рекламани маданий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргакларида ёки ҳаракатни тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек дов-дарахтларни пайҳон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади»;

23-моддаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23-модда. Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламаси

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликлар рекламаси тамаки чекиш ва алкоғолли ичимликни истеъмол қилишнинг зарари ҳақида огоҳлантириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичим-

ликлар жами рекламаси майдонининг камида 5 фоизи ҳамда телевидение ва радиодаги алкогольли ичимликлар реклама ролиги эфир вақтининг камида 5 секунди ана шундай огоҳлантириш учун ажратилиши лозим.

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар рекламаси чекиш ва алкогольли ичимликларни истеъмол қилиш жараёнларини намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, бу жараёнлар ижтимоий ва спорт ютувига эришиш учун ёки истеъмолчиларнинг жисмоний ва рухий ҳолати яхшиланиши учун муҳим аҳамиятга эга, деган таассурот туғдирмаслиги керак.

Алкоголли ичимликлар рекламаси тиббий, спорт, мактабгача тарбия муассасалари, шунингдек умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларидан камида беш юз метр нарида жойлаштирилиши керак.

Қуйидагилар тақиқланади:

қуввати 28 даражадан ортиқ бўлган алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

қуввати 28 даражагача бўлган алкогольли ичимликларни телевидение ва радиода эрталаб соат 7 дан кеч соат 22 гача реклама қилиш;

тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликлар намуналарини реклама мақсадида вояга етмаган шахсларга текин тарқатиш;

асосан вояга етмаганларга мўлжалланган тадбирларга, агар уларда тамаки, тамаки маҳсулотлари ёки алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси ёхуд тасвиридан фойдаланиладиган бўлса, ҳомийлик қилиш;

вояга етмаганларга тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларнинг номи, товар белгиси туширилган товарларни (футбол майкалари, бош кийимлар, ўйинлар ва шу кабиларни) тарқатиш, шу жумладан сотиш;

вояга етмаганларга мўлжалланган босма нашрларда тамаки, тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

газеталарнинг биринчи ва охириги саҳифаларида, журналларнинг ва бошқа даврий нашрларнинг муқоваларида, шунингдек бундай нашрларнинг телерадиодастурлар эълон қилинаётган саҳифаларида алкогольли ичимликларни реклама қилиш;

оммавий ахборот воситаларида, тиббий, спорт, мактабгача тарбия, таълим муассасаларида, транспорт воситаларида (тамакини ва тамаки маҳсулотларини ташишга ихтисослаштирилганларидан ташқари), шу жумладан умумий фойдаланишдаги йўловчилар транспорт воситаларининг салонларида, шунингдек ташқи реклама ёрдамида тамакини ва тамаки маҳсулотларини реклама қилиш»;

6) 27-моддасининг:

биринчи қисмидаги «зиммасига реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш юклатилган давлат органларининг талабига кўра улар белгилаган» деган сўзлар «ваколатли давлат органининг талабига кўра у белгилаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «монополияга қарши давлат органининг» деган сўзлар «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмидаги «Монополияга қарши давлат органи ёки реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширувчи бошқа органнинг» деган сўзлар «ваколатли давлат органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 29-моддаси иккинчи қисмининг:

биринчи хат бошисидаги «монополияга қарши давлат органи» деган сўзлар «ваколатли давлат органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хат бошисидаги «ташқи» сўзи чиқариб ташлансин;

учинчи хат бошисидаги «ушбу Қонуннинг 27-моддасида кўрсатилган давлат орган-

ларига» деган сўзлар «ваколатли давлат органига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 30 август,  
404-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **131** Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1997 йил 24 апрелда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 397-сонли қарорга ўзгартиш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрдаги 321–II-сонли қарорига мувофиқ ҳамда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини республикада босқичма-босқич жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. 2002—2005 йиллардаги даврда Ўзбекистон Республикасида жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялашнинг халқаро меъёрларга мос келадиган тизимини босқичма-босқич жорий этиш юзасидан тайёргарлик чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги бир ой муддатда жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этишни таъминлайдиган 2002—2005 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларнинг аниқ дастури ва жадвалини 2003 йил 1 январидан бошлаб олинган даромадлар бўйича ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, чет эл иқтисодий тузилмалари ва экспертларини жалб этган ҳолда икки ой муддатда «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадини декларациялаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритсин.

3. Қўйидагилар белгилансин:

жами даромадни декларациялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чоғида фуқароларнинг конституциявий ва мулкӣ ҳуқуқлари бузилишига, уларнинг даромадлари ва мол-мулки миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар ошқор этилишига, фуқароларнинг шахсий турмушига аралашшига ҳамда бошқа суиистеъмолчиликлар ва ҳуқуқбузарликларга қатъиян йўл қўйилмайди;

жисмоний шахсларнинг даромадлари ва мол-мулки билан боғлиқ ахборот ҳамда ҳужжатлардан фойдаланиш тартибини бузишга йўл қўйган мансабдор шахслар жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортиладилар.

4. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ҳозирги вақтда жисмоний шахслар асосий иш жойидан ташқарида олаётган даромадлар, шунингдек жисмоний шахс томонидан уни яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказмаган ҳолда бир маротабалик операциялар (савдо, иш, хизматлар)ни амалга оширишдан оладиган даромадлари декларация қилиниши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизими жорий этилгунга қадар фуқароларнинг да-

ромадларини ихтиёрий равишда декларациялаш тизимини пухталаштириш бўйича танлаб олиш йўли билан тажриба тариқасида иш олиб бориш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси хорижий мамлакатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини декларациялаш тажрибасини чуқур ўргансин ҳамда уларни инобатга олган ҳолда декларантлар томонидан ўз даромадлари тўғрисидаги маълумотларни ихтиёрий равишда тақдим этилишини рағбатлантириш механизмини, шунингдек уларнинг жавобгарлик чораларини, жумладан зарур маълумотларни тақдим этмаганлик ва даромадларни атайин яширганлиги учун қонунчиликда кўзда тутилган жазоларни қўллаш чораларини ишлаб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, фуқароларнинг республика тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларига қўйиладиган нақд маблағлари декларация қилинмайди ва уларнинг келиб чиқиш манбалари тасдиқланиши талаб этилмайди.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан бирга жисмоний шахсларнинг жами даромадларини декларациялаш тизимини жорий этиш мақсадлари ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини таъминласин;

2003 йилнинг 1 июлига қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузурида жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган даромадлар (даромад манбалари) тўғрисидаги декларацияларни ҳамда декларациялаш билан боғлиқ бошқа ахборотни қайта ишлаш Марказини ташкил этиш ва уни декларацияларни қайта ишлаш учун зарур техника билан жиҳозлашни кўзда тутсин;

2003 йилнинг 1 сентябрига қадар солиқ органларига маълумотларни электрон воситалар ёрдамида тақдим этиш ҳамда солиқ назоратини амалга ошириш мақсадида уларга ишлов бериш имконини яратадиган дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва улардан тажриба тариқасида фойдаланишни таъминласин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Т. Султонов зиммасига юклатилсин.

9. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 сентябрь,  
ПФ-3127-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **132 Космик тадқиқотларни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида**

Космосни тадқиқ этиш ва астрономия соҳасидаги мавжуд салоҳиятдан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, космик тадқиқотлар ва техниканинг замонавий ютуқла-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

ри мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳалари ҳамда тармоқларига жорий этилиши-ни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон космик тадқиқотлар давлат агентлиги («Ўзбеккосмос») тугатилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Космик тадқиқотлар маркази ташкил этилиб, Фанлар академиясининг Астрономия институти, Тошкент космик асбобсозлик илмий-тадқиқот институти, Чирчиқ «Композит» тажриба-экспериментал заводи, РТ—70 Радиоастрономик обсерватория унинг таркибига киритилсин.

3. «Гранит» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибига ўтказилсин.

«КОИНОТ» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг уни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. «Космик фазони тадқиқ этиш ва фойдаланиш бўйича структуралар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 11 декабрдаги ПФ—506-сон Фармонининг 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 26 сентябрь,  
ПФ—3135-сон



## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **133** Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 48-моддасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари ўз идоравий норматив ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирадилар.

3. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан келишган ҳолда бир ой муддатда давлат авиациясига тегишли авиация ходимлари лавозимлари рўйхатини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тўлаганов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 4 сентябрь,  
313-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 4 сентябрдаги 313-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва экспериментал авиацияси авиация ходимларига тегишли лавозимлар РЎЙХАТИ**

#### **1. Учувчилар таркибига кирувчи шахслар лавозимлари**

- бортмуҳандис (шу жумладан катта бортмуҳандис);
- бортмуҳандис — йўриқчи-методист;
- бортмуҳандис — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- бортмуҳандис — йўриқчи;
- бортмуҳандис — тренажер йўриқчиси;
- бортмуҳандис — методист;
- бортмеханик (шу жумладан катта бортмеханик);

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

- бортмеханик — йўриқчи;
- бортмеханик — тренажер йўриқчиси;
- бортмеханик — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- бортоператор (шу жумладан катта бортоператор);
- бортоператор — йўриқчи (шу жумладан катта йўриқчи);
- бортоператор — синовчи;
- бортпроводник (шу жумладан катта бортпроводник);
- бортпроводник — бригадир;
- бортпроводник — йўриқчи-методист;
- бортпроводник — йўриқчи (шу жумладан катта йўриқчи);
- бортрадист (шу жумладан катта бортрадист);
- бортрадист — йўриқчи;
- бортрадист — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- борттехник — борттехник (шу жумладан катта борттехник);
- борттехник — синовчи (шу жумладан катта синовчи);
- бортштурман (шу жумладан катта штурман);
- бортштурман — йўриқчи;
- бортэлектрик — синовчи;
- учиш синовлари бўйича етакчи муҳандис;
- иккинчи учувчи (фэст-офицер);
- иккинчи учувчи — стажёр;
- дельтопланерист;
- учиш мутахассисликлари гувоҳномалари олишга номзодлар;
- вертолёт командири;
- вертолёт командири — йўриқчи;
- ҳаво кемаси командири — стажёр;
- ҳаво кемаси командири (капитан);
- ҳаво кемаси командири — йўриқчиси (чек-капитан);
- синовчи-учувчи (шу жумладан катта синовчи-учувчи);
- кузатувчи учувчи;
- учувчи, ҳаваскор учувчи;
- учувчи — йўриқчи (чек-капитан);
- ҳаво кемаси штурмани;
- ҳаво кемаси штурмани — йўриқчиси (шу жумладан катта штурман-йўриқчи);
- синовчи штурман;
- шу жумладан катта синовчи штурман;
- штурман-синовчи-йўриқчи;
- стажёр-штурман.

## **2. Ҳаво қатновини ташкил этувчи ва унга хизмат кўрсатувчи мансабдор шахслар**

- Фазодан фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизими бош маркази бош диспетчери;
- аэродром диспетчерлик пункти диспетчери (шу жумладан катта диспетчер);
- юқори фазо диспетчери;
- Фазодан фойдаланишни бошқаришнинг ягона тизими бош маркази диспетчери;
- аэродромнинг диспетчерлик пункти диспетчери;
- буйруқ берувчи диспетчерлик пункти диспетчери;

- маҳаллий диспетчерлик пункти диспетчери;
- ҳаво қатновини бошқариш диспетчери — тренажер йўриқчиси;
- радиотехника воситаларига техник хизмат кўрсатиш бўйича барча номдаги муҳандислар;
- ҳаво қатновини бошқариш хизмати бошлиғи;
- ҳаво қатновини бошқариш бўйича мутахассисликлар гувоҳномаларини олишга номзодлар;
- парвозлар раҳбари — йўриқчи;
- парвозлар раҳбари — Фазодан фойдаланишни бошқариш ягона тизимининг район маркази фуқаролик сектори бошлиғи;
- парвозлар раҳбари (шу жумладан парвозларнинг катта раҳбари);
- аэродромнинг парвозлар раҳбари;
- парвозлар раҳбари — йўриқчи-етакчи мутахассис;
- парвозлар раҳбари — йўриқчи-бош мутахассис;
- районнинг парвозлари раҳбари-смена бошлиғи;
- катта диспетчер;
- юқори фазо катта диспетчери;
- аэродромнинг диспетчерлик пункти катта диспетчери;
- катта диспетчер — катнов бўлими йўриқчиси.

### **3. Ҳаво кемалари парвозларини ташкил этувчи мансабдор шахслар**

- бортмуҳандис — йўриқчи;
- бортмеханик — йўриқчи;
- бортпроводник — йўриқчи;
- синов учишлари бўйича етакчи муҳандис (шу жумладан гуруҳ раҳбари);
- парвозларни таъминлашни назорат қилиш бўйича етакчи мутахассис — йўриқчи — штурман;
- авиакомпаниянинг Бош директори (шу жумладан учиш ишларини ташкил этиш, муҳандислик-авиация таъминоти ва ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарлар);
- Бош директор, директор (бирлашма, авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар бош директори, директори, шу жумладан муҳандислик-авиация таъминоти ва ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарлар);
- парвозларни таъминлашни назорат қилиш бўйича бош (етакчи) мутахассис;
- авиация ходисаларини суриштириш бўйича бош мутахассис — йўриқчи-учувчи;
- бош муҳандис (бирлашма, авиация-техника комплекси, авиация — техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар бош муҳандиси, шу жумладан ўринбосарлар);
- бош механик — (бирлашма, авиация-техника комплекси, авиация — техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар бош механиги, шу жумладан ўринбосарлар);
- авиация (авиатаъмирлаш) заводининг бош технологи (шу жумладан ўринбосарлар);
- бош штурман (авиакомпания, учиш комплекси, авиабўлимнинг бош штурмани);
- парвозларни таъминлаш ва ҳаводаги катновларни бошқаришни назорат қилиш бўлимининг бош штурмани;

- авиакомпания директори (шу жумладан учиш ишларини ташкил этиш ва муҳандислик-авиация таъминоти ҳамда ишлаб чиқариш бўйича ўринбосарлари);
- авиакомпаниянинг учиш хизмати департаменти директори;
- учиш комплекси директори (шу жумладан ўринбосарлари);
- ўқув-машгулот маркази директори (шу жумладан ўринбосарлари);
- «Ўзаэронавигация» маркази директори (шу жумладан ўринбосарлари);
- радиотехника асбоб-ускуналари ва алоқадан фойдаланиш базаси бошлигининг ўринбосари;
- учиш отряди муҳандиси;
- учиш отрядининг методик қисм бўйича муҳандиси;
- (бирлашма, авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар) авиация техникасидан техник фойдаланиш бўлимининг барча номдаги ва ихтисослардаги муҳандислари;
- авиакомпаниянинг ижро этувчи директори (шу жумладан ўринбосарлари);
- авиация-транспорт комплекси командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- звено командири;
- учиш отряди, эскадрилья командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- алоҳида авиация звеноси командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- алоҳида авиация эскадрильяси командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- синовчи-учувчилар отряди командири (шу жумладан ўринбосарлари);
- ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш ва таъмирлаш бўйича барча номдаги мастер (катта мастер, назорат мастери);
- бўлим (парвозларни таъминлаш ва ҳаводаги қатновларни бошқаришни назорат қилиш, ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш, уларни таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни назорат қилиш, авиация ходисаларини текшириш, рўйхатга олиш, сертифицикатлаш ва лицензиялаш) бошлиғи (бошлиқ ўринбосари);
- (ишлаб чиқариш, авиация-техника базаси, муҳандислик-авиация хизмати, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар, «Дававианазорат» инспекцияси илмий-тадқиқот лабораторияси, базавий текшириш-таъмирлаш метрология лабораторияси, синов учишлари бўлинмаси, авиация-техника базасининг муҳандислик-ахборот маркази, цех, участка, смена, бригада, гуруҳ, устахона, технология бюроси, технология сиёсатини бошқариш ва техник фойдаланиш бўлими, техник назорат бўлими, техника бўлими, сифат кафолати ва назорати бўлими, авиатехникани таъмирлаш бўлинмаси, объектив назорат хизмати, парвоз ахборотларини йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш бўлими, парашют хизмати) бошлиғи (шу жумладан ўринбосарлари);
- (авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар) ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишни режалаштириш ва бошқариш бўйича бошлиқ (бош муҳандис, муҳандис);
- радиотехника асбоб-ускуналари ва алоқадан фойдаланиш базаси бошлиғи;
- Ҳазодан фойдаланишни бошқариш ягона тизими бош маркази бошлиғи;
- Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси («Дававианазорат» инспекцияси) бошлиғи (шу жумладан ўринбосарлари);
- авиакомпаниянинг парвозлар хавфсизлиги инспекцияси бошлиғи;
- синов учишлари бўлинмаси, комплекси, станция базаси бошлиғи (шу жумладан ўринбосарлари);
- учиш-методик хизмати, бўлими бошлиғи;
- қатновлар бўлими бошлиғи;
- аэронавигация ахбороти хизмати бошлиғи;

- парвозларни аэронавигацион таъминлаш хизмати бошлиғи;
- бортпроводниклар, бортоператорлар хизмати бўлими бошлиғи (шу жумладан ўринбосари);
- ҳаво қатновларини бошқариш ва радиотехника билан таъминлаш бўйича ҳудудий бўлим бошлиғи (шу жумладан ўринбосарлари);
- авиакомпания, учиш отряди, эскадрильяси, комплекси штаби бошлиғи;
- учувчи-инспектор (шу жумладан катта учувчи-инспектор);
- учиш отрядининг учувчи-инструктор-методисти;
- олий малака комиссияси раиси (раис ўринбосари);
- парвозлар хавфсизлиги бўйича маслаҳатчи;
- бўлим (парвозларни таъминлаш ва ҳаводаги қатновни бошқариш устидан назорат, ҳаво кемаларидан техник фойдаланиш, уларни таъмирлаш, ишлаб чиқариш устидан назорат, авиация ҳодисаларини текшириш, рўйхатга олиш, сертификатлаш ва лицензиялаш) мутахассиси (бош, етакчи мутахассис);
- олий малака комиссияси мутахассислари (бош, етакчи мутахассислар);
- катта штурман;
- авиакомпаниянинг шеф-учувчиси;
- авиаотряд (эскадрилья, звено) штурмани;
- штурман-инспектор (шу жумладан катта штурман-инспектор);
- «Дававианазорат» инспекциясининг парвозлар бўйича ахборотларини расшифровка ва таҳлил қилиш бўйича эксперт (бош, етакчи эксперт).

#### **4. Ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишни амалга оширувчи мансабдор шахслар**

- (авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар) ҳаво кемаларига, уларнинг қисмларига ва асбоб-ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, диагностика қилиш ва таъмирлаш бўйича барча номдаги ва ихтисосдаги авиация техниги;
- (авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, авиакомпания) парашютлари ва авария-қутқарув воситалари бўйича авиация техниги (муҳандиси, катта муҳандиси);
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи, авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар) ҳаво кемаларига, уларнинг қисмларига ва асбоб-ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, диагностика қилиш, синаш ва таъмирлаш бўйича барча номдаги ҳамда ихтисосдаги авиация механиги (механик);
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи, авиация-техника базаси) авиация аккумулятор батареяларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича аккумуляторчи;
- етакчи муҳандис — технолог (муҳандис-технолог);
- экспериментал ҳаво кемаларидан фойдаланиш бўйича етакчи муҳандис (муҳандис);
- авиатаъмирлаш заводининг авиация техникаси герметизаторчиси;
- авиатаъмирлаш заводининг авиация техникаси нуқсонларини созловчи;
- парвозлар бўйича ахборотларни йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиш бўйича муҳандис;
- (авиация-техника комплекси бўлинмалари, авиатаъмирлаш заводи, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча шаклларидаги авиакорхоналар) авиация техни-

касига, ҳаво кемаларига, уларнинг қисмларига ва асбоб-ускуналарига техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш, диагностика қилиш, синаш ва таъмирлаш бўйича, техник ўқув бўйича барча номдаги ва ихтисосдаги (шу жумладан техник назорат, техника бўлими, сифатни бошқаришни кафолатлаш ва назорат қилиш бўлими, перрон-техника бригадаси, учиш отряди) муҳандислар (етақчи, катта муҳандислар);

- авиатаъмирлаш заводининг авиация техникасини синовчи-механиги;
- авиатаъмирлаш заводининг авиация техникасини бутловчиси;
- авиация техникасидаги сифат ва (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи) авиация техникаси ўлчов приборлари сифати назоратчиси;
- авиатаъмирлаш заводининг авиация техникаси бўёкчиси;
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи) авиация техникасидаги радио ва махсус асбоб-анжомларни ўрнатувчи;
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи) авиация техникаси асбоб-анжомларини созловчи;
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи, авиация-техника базаси) ҳаво кемаларини йиғувчи-уловчи;
- (авиация заводи, авиатаъмирлаш заводи, авиация-техника базаси) ҳаво кемаларини, уларнинг қисмларини ва асбоб-ускуналарини таъмирлаш бўйича барча номдаги ҳамда ихтисосдаги чилангар;
- авиатаъмирлаш заводи авиация техникасининг лок-бўёқ қопламларини ювувчи;
- (авиация-техника комплекси, авиация-техника базаси, мулкчиликнинг барча турларидagi авиакорхоналарнинг) асбоб-ускуналари бўйича, назорат-ўлчов приборларига хизмат кўрсатиш ва автоматика бўйича, юқори босимли идишларга хизмат кўрсатиш бўйича, парвозларга оид ахборотларни йиғиш, ишлаш ва таҳлил қилиш воситаларидан фойдаланиш, радиолокация, радионавигация, алоқа бўйича техник.

#### **5. Ҳаво кемалари парвозларини таъминлашни амалга оширувчи мансабдор шахслар**

- аэродром диспетчерлик пунктининг навбатчи штурмани;
- аэронавигация ахбороти бюросининг навбатчи штурмани;
- парвозларни тайёрлаш бўйича навбатчи штурман;
- аэронавигация ахбороти бюросининг катта техниги;
- парвозларни аэронавигация ва картография билан таъминлаш гуруҳининг катта штурмани;
- парвозларни таъминлаш гуруҳининг катта штурмани;
- ҳужжатларни тайёрлаш гуруҳининг катта штурмани;
- гуруҳнинг катта штурмани;
- парвозларни ерда штурман билан таъминлаш катта штурмани;
- аэронавигация ахбороти бюроси техниги;
- парвозларни таъминлаш гуруҳи штурмани.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**134** Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида» 2002 йил 16 апрелдаги ПФ-3052-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда ўзбек халқининг миллий муסיкий мероси негизида муסיқа санъатини ривожлантириш, сифат жиҳатидан янги муסיкий таълим тизимини яратиш, юқори малакали санъат кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон давлат консерваторияси муסיқа санъатининг барча йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича таянч олий таълим муассасаси ҳамда мазкур таълим соҳаси педагоглари, мутахассисларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги:

кўп асрлик муסיкий меросимизни, миллий ва жаҳон муסיқа санъати тараққиётини, миллий муסיқа асбобларининг тарихини ўрганиш мақсадида бир ой муддатда Давлат консерваторияси таркибида ихтисослаштирилган Илмий-тадқиқот маркази ва Муסיқа музейи ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси ҳамда Фан ва технологиялар маркази билан биргаликда икки хафта муддатда Илмий-тадқиқот маркази ва Муסיқа музейи низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

муסיкий таълим муассасаларини замонавий муסיкий ўқув адабиётлари билан таъминлаш, уларни мунтазам чоп этишни йўлга қўйиш мақсадида бир ой муддатда Ўзбекистон давлат консерваторияси хузурида ихтисослаштирилган «Муסיқа» нашриёти, босмаҳона ва овоз ёзиш студияси ташкил этсин;

чет элдаги муסיқа муассасаларида таълим олаётган ва самарали ижодий фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ижодкор ёшлари вакиллари билан доимий алоқада бўлишни таъминлаш, Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятида уларнинг ижодий салоҳиятидан фойдаланиш, республикада муסיқа анжуманлари ва фестиваллари ўтказиш бўйича тадбирларни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

республика ва хорижий мамлакатларнинг таниқли ижрочилари ва санъат арбобларини, етакчи педагог-мутахассисларини консерваторияда ишлашга таклиф этиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб амалга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ўрта махсус маданият ва санъат ўқув юртлири концертмейстерлари ва етакчи концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини бир ой муддатда қайта кўриб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси хузурида 125 нафар ўқувчига мўлжалланган Иқтидорли болалар академик лицейи ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда Иқтидорли болалар академик лицейини асбоб-анжомлар, чолғу асбоблари, техник воситалар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил



этиш бўйича замонавий талабларга жавоб берадиган ўқув-норматив ҳужжатлар билан таъминлашга доир зарур тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда:

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон давлат консерваторияси таркибида турли даражадаги педагог кадрлар учун малака ошириш факультети ташкил этсин ва бир ой муддатда унинг ўқув режалари ҳамда дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

бир ой муддатда кадрлар тайёрлаш миллий модели асосида таълим жараёнининг узлуксизлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда махсус мусиқа мактаблари, мусиқа академик лицейлари ва коллежлари, шунингдек мазкур йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари, шу жумладан Ўзбекистон давлат консерваторияси учун Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб В. Успенский ва Р. Глиэр номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатлари негизида, улар фаолиятининг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитларини сақлаб қолган ҳолда Республика махсус мусиқа академик лицейлари ташкил этилсин. Мусиқий таълимни ва ўқитиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, истисно тариқасида, ушбу академик лицейлар негизида мавжуд бошланғич ва ўрта мактаблар (интернатлар билан бирга) сақлаб қолинсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан биргаликда бир ой муддатда Республика махсус мусиқа академик лицейлари тузилмасини ва низомларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. Ўзбекистон давлат консерваториясининг ноёб бинолари мажмуи мураккаб муҳандислик коммуникацияларидан зарур даражада фойдаланишни, улар техник ҳолатининг юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида Бинолардан фойдаланиш дирекцияси иловага\* мувофиқ ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда бир ой муддатда Дирекция тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузурида ташкил этиладиган Академик лицейга 2002 йилги Давлат бюджетида белгиланган молиявий нормативлар асосида янги ўқув йилидаги жорий харажатлар учун, таълим соҳасида назарда тутилган маблағлар доирасида зарур маблағлар ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари учун 2002 йилги Давлат бюджети доирасида назарда тутилган маблағлардан 2002 йилда Давлат консерваториясини чолғу асбоблари, махсус театр жиҳозлари, ёруғлик-овоз кучайтириш аппаратлари, мебеллар, замонавий компьютер техникаси, ўқув-методик адабиётлар ва бошқалар билан таъминлаш, шунингдек чет элдан санъат соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун фойдаланишга рухсат этсин. 2003 йилдан бошлаб кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларни ҳисобга олган ҳолда маблағлар ажратсин.

---

\* Илова берилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-тадқиқот маркази тадқиқотларининг илмий-методик йўналишларини Давлатнинг фан ва техника дастурлари рўйхатига киритсин ва 2002/2003 ўқув йилидан бошлаб устувор йўналишлар бўйича Давлат бюджетда фан соҳасига назарда тутилган маблағлар доирасида грантлар ажратсин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда:

Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамда унинг ҳузурида ташкил этиладиган Иқтидорли болалар академик лицейи ва Малака ошириш факультети учун ётоқхона биноси ажратиб, унинг реконструкция қилиниши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ўзбекистон давлат консерваториясининг эски биносига (Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 31-уй) Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа коллежини, шунингдек Республика «Маънавият ва маърифат» марказини жойлаштирсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 сентябрь,  
315-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **135** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

«Хўжалик ширкатлари тўғрисида» ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Объектларнинг хўжалик жамиятлари ва ширкатлари таркибидан чиқиши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 18 июлдаги 366-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 7-сон, 35-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ҳ. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 5 сентябрь,  
317-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 5 сентябрдаги 317-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этилган очик турдаги акционерлик жамиятларининг акцияларини рўйхатдан ўтказиш ва муомалага чиқариш тартиби тўғрисидаги низомнинг I бўлимида «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» сўзлари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон 39-модда; 2000 й., 10-сон, 69-модда; 2001 й., 8-сон, 47-модда) билан тасдиқланган Холдинглар тўғрисидаги низомнинг муқаддимасида ва I бўлими 5-бандида «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» ва «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» сўзлари тегишли равишда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Рақобат ва товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция ва Хусусийлаштириш инвестиция фондлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1998 йил 25 сентябрдаги 410-сон қарорида:

а) 2-илованинг 2-бандидан (Инвестиция фондлари тўғрисидаги низом) «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 4-илованинг 2-бандидан (Инвестиция фондларининг бошқарувчи компанияси тўғрисидаги низом):

«Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» сўзларидан кейин «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» сўзлари қўшилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 3-сон, 17-модда; 2001 й., 8-сон, 47-модда, 10-сон, 58-модда) билан тасдиқланган Давлат мулки бўлган объектларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

2-банднинг иккинчи хат боши ва 27-банднинг еттинчи хат бошида «масъулияти чекланган» сўзларидан кейин «ҳамда қўшимча масъулиятли» сўзлари қўшилсин;

29-банднинг учинчи хат боши қуйидаги мазмундаги гап билан тўлдирилсин:

«Қорхона масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятга айлантрилганда буйруқ билан бир вақтнинг ўзида устав ҳамда давлат мулкида сақланиб қоладиган ва инвесторларга сотиладиган устав фондидаги улушлар тасдиқланади»;

31-банднинг учинчи хат бошида «акциядорлик жамияти» сўзлари «хўжалик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 31-1-банд билан тўлдирилсин:

«Давлат мулки қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси давлат корхоналарини қайта ўзгартириш натижасида ташкил этиладиган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг муассиси ҳисобланади»;

61-банднинг учинчи хат бошида «жамиятга (бошқа хўжалик жамиятига)» сўзлари «ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятга» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-иловадан «акциялар» сўзлари чиқариб ташлансин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **136** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 19 январдаги 31-сон қарорига ўзгартириш- лар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси тугатилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг грантлари ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтириладиган пул маблағлари ва асбоб-ускуналар юзасидан хулосалар бериш функцияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази зиммасига юклансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришни, халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармалар грантлари бўйича илмий дастурлар ва лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 1998 йил 19 январдаги 31-сон қарорининг 1 ва 2-бандларида «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш кенгаши қошидаги Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда Халқаро ва хорижий ташкилотлар ва жамғармаларнинг грантлари ҳамда илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича халқаро битимлар доирасида хориждан келтириладиган пул маблағлари ва асбоб-ускуналар юзасидан хулосалар бериш тартибига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 18 сентябрь,  
324-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACIНИНГ ҚАРОРИ

## **137 «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди юридик шахс ҳисобланади ва банклар билан тузилган ёзма битимлар асосида фаолият кўрсатади;

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағларни жойлаштиришдан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

2. Қўйидагилар:

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди кузатув кенгашининг шахсий таркиби 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг кузатув кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар унинг таркибига киритилади.

3. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ижро этувчи органининг тузилмаси штатдаги ходимларининг чекланган сони 5 нафардан иборат бўлган ҳолда (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

4. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди икки ой муддатда тижорат банклари билан тегишли ёзма битимлар тузилишини таъминласин.

Белгилансинки, янгидан ташкил этиладиган тижорат банклари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди билан банк операциялари ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия олинган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай ёзма битимлар тузишлари шарт.

5. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондининг кузатув кенгаши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда:

тижорат банклари томонидан Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фондига мажбурий бадаллар тўлаш ва маълумотлар тақдим этиш тартибини тасдиқласин;

Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди ижро этувчи органини жойлаштириш, уни ўз функцияларини бажариш учун зарур техника ва алоқа воситалари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси

---

\* 2-илова берилмайди.

Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 19 сентябрь,  
326-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 19 сентябрдаги 326-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш  
фонди тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди (бундан буён матнда «Фонд» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (бундан буён матнда «фуқаролар» деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси банкларидаги омонатларини ҳимоялашни таъминлаш мақсадида «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ташкил этилган.

2. Фонд ўз фаолиятида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Фонд юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, ўз рамзи тасвири туширилган ва номи ёзилган муҳрга, штампларга, бланкаларга эгадир.

4. Фонднинг устав сармояси тижорат банкларининг бир йўла тўланадиган мажбурий бадаллари ҳисобига шакллантирилади.

5. Фонд ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг бутун мол-мулки билан жавоб беради.

**II. Фонд мол-мулкини шакллантириш манбалари**

6. Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағлар қўйишдан олинган даромадлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

7. Бир йўла тўланадиган ва календарь бадаллар банкларнинг Фондга тўлайдиган мажбурий бадаллари ҳисобланади.

Банкнинг Фондга бир йўла тўлайдиган бадали банкнинг амалда шаклланган устав сармояси миқдорининг 0,1 фоизини ташкил этади.

Календарь бадал банклар томонидан йилнинг ҳар чорагида Фондга ўтказиладиган пул маблағларидан иборат бўлади. Календарь бадалларнинг миқдори «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунига мувофиқ кафолатланиши лозим бўлган фуқаролар омонатларининг амалдаги қолдиғига қараб йил чораги учун Фонднинг кузатув кенгаши томонидан белгиланган миқдорда белгиланади, бироқ у омонатлар умумий суммасининг 0,5 фоизидан кўп бўлмаслиги керак.

8. Тўланган календарь бадаллар суммаси банкдаги омонатлар қолдиқлари умумий суммасининг 5 фоизига етганда банклар томонидан календарь бадалларни тўлаш тўхтатилади. Фуқароларнинг банкдаги омонатлари қолдиқлари умумий суммаси ўзгарганда, Фондга тўланган календарь бадалларининг суммаси қайта ҳисоблаб чиқилиши керак.

9. Фонднинг пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида сақланади.

### III. Фонднинг мақсади ва фаолиятининг асосий йўналишлари

10. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган шартларда ва ҳажмда банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи учун банк лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича кафолатли ҳақ тўлаш Фонд фаолиятининг мақсади ҳисобланади.

11. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича Фонд томонидан кафолатли ҳақ тўланиши банк қайта ташкил этилиши муносабати билан лицензия чақириб олинган тақдирда жорий этилмайди.

12. Қуйидагилар Фонд фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:  
фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўланишини таъминлаш учун банкларнинг мажбурий бадалларини жамлаш;  
жамланган маблағлардан мазкур Низомда белгиланган мақсадлар ва тартибда фойдаланиш.

### IV. Фонднинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Фонд қуйидагиларга ҳақли:  
банклардан фуқароларнинг банклардаги кафолатланадиган омонатларининг сони ва миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;  
ўз маблағларини давлат қимматбаҳо қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштириш.

Фонд қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

14. Фонд маблағларини жойлаштириш бўйича барча операциялар Фонднинг кузатув кенгаши қарори бўйича, у ҳар йили тасдиқлайдиган Фонд бюджети доирасида амалга оширилади.

15. Фонднинг молиявий ёрдам кўрсатиш ва хайрия фаолияти билан шуғулланиши, шунингдек юридик шахсларнинг муассиси бўлиши мумкин эмас.

16. Фонд қуйидагиларга мажбур:  
ўз маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;  
Фонд маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга ошириш;  
қатнашчи банклар рўйхатини оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиш.



**V. Фондни бошқариш**

17. Фондни бошқариш Фонднинг кузатув кенгаши ва Фонднинг ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади.

18. Фонднинг кузатув кенгаши Фонд фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

Фонд кузатув кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

19. Фонднинг кузатув кенгаши ваколатига қўйидагилар киради:

банкларнинг календарь бадаллари ставкаларини, уларни тўлаш ҳисоб-китоби тартиби ва муддатларини тасдиқлаш;

фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда агент банкни танлаш;

Фонд маблағларини давлат қимматбаҳо қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

Фонд маблағларидан фойдаланиш тартибини, шу жумладан жорий фаолият учун харажатлар сметасини тасдиқлаш;

Фонднинг ижро этувчи органини шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш;

аудитор ташкилотни белгилаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

20. Фонд кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси ёки кузатув кенгаши аъзоларининг камида учдан бир қисми томонидан заруратга қараб, лекин ҳар чоракда камида бир марта чақирилади.

21. Фонднинг кузатув кенгаши агар мажлисда аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашса қарор қабул қилишга ҳақли. Фонд кузатув кенгаши қарорлари улар учун қатнашганларнинг камида учдан икки қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда Фонд кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланиди.

22. Фонд дирекцияси Фонднинг ижро этувчи органи ҳисобланади, у жорий раҳбарликни амалга оширади ва Фонд фаолияти учун жавоб беради. Фонд дирекцияси таркибига директор, директор ўринбосари ва бош бухгалтер киради.

23. Фонд дирекцияси:

банклар томонидан бир йўла ва календарь бадалларнинг ўз вақтида тўлиқ ўтказилишини назорат қилади;

фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш тадбирларини амалга оширади;

жорий фаолият учун харажатлар сметаси тўғрисидаги таклифларни Фонд кузатув кенгашига тасдиқлаш учун киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24. Фонд директори:

Фонднинг жорий фаолиятини ташкил қилади ва унга юкланган вазифаларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Фонд ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

давлат органларида, бошқа муассасаларда, шу жумладан хорижий давлатлар муассасаларида, шунингдек халқаро ташкилотларда Фонд номидан вакиллик қилади;

ишончномасиз Фонд номидан иш кўради;

лавозим йўриқномаларини ва Фонднинг бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;

Фонд номидан даъволар билдиради;  
Фонд ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;  
ушбу Низомга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.  
Фонд директори Фонднинг кузатув кенгаши мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашади.

#### **VI. Банкларнинг Фонд билан ёзма битимлар тузиш тартиби**

25. Банк Фонд билан ёзма битим тузиш учун фуқароларнинг банкдаги кафолатлиниши лозим бўлган омонатларининг сони ва қолдиқлари миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хулосасини илова қилган ҳолда Фонднинг кузатув кенгашига мурожаат қилади.

26. Фонд кафолатномаси банк Фонд билан ёзма битим тузган вақтдан бошлаб кучга киради.

27. Банк ёзма битим тузилгандан кейин уч календарь кундан кечикмай бир йўла тўланадиган бадални Фондга ўтказиши шарт.

28. Фонд Ўзбекистон Республикаси Марказий банкни тузилган ёзма битимлар ва бир йўла тўланадиган бадаллар банклар томонидан Фондга тўлангани тўғрисида хабардор қилади.

29. Фонд билан ёзма битимлар тузган банклар реестри оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда эълон қилиб борилади.

30. Банклар:

банк номига ўзгартиришлар киритилганда;

банк қайта ташкил этилганда Фондни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

31. Фонд билан ёзма битим тузган банк номи ўзгарган тақдирда банкдан қайта рўйхатдан ўтказилганини ва лицензиянинг қайта расмийлаштирилганини тасдиқловчи ҳужжатлар олинган вақтдан бошлаб ўн иш куни мобайнида реестрга тегишли ўзгартиришлар киритилади.

32. Қайта ташкил этиш натижасида янги пайдо бўлган банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказилган кунидан бошлаб уч иш куни мобайнида Фонд билан ёзма битим тузиши шарт.

#### **VII. Банкни Фонддан чиқариш тартиби**

33. Банк қайта ташкил этилганда ёки белгиланган тартибда тугатилганда Фонд олдидаги барча мажбуриятларини бажаргандан кейин Фонд билан ёзма битим тузган банклар реестридан чиқарилади.


34. Банкни Фонд билан ёзма битим тузган банклар реестридан чиқариш Фонднинг кузатув кенгаши қарори бўйича амалга оширилади.

35. Банкнинг Фонд билан ёзма битим тузган банклар реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги хабарнома у реестрдан чиқарилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида матбуотда эълон қилинади.

36. Фондни тугатиш ва қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 19 сентябрдаги 326-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш  
фонди ижро этувчи органи  
ТУЗИЛМАСИ**



Жами: штатдаги ходимлар сони 5 нафар (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**138** Вазирлар Маҳкамасининг «Республикага истеъмол товарлари ноқонуний олиб келиниши ва сотилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш ва ички бозорда сотиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йил 23 сентябрдан бошлаб ноозиқ-овқат истеъмол товарлари юридик шахслар томонидан импорт қилинганда йиғим ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товар божхона қийматининг 20 фоизи миқдоридан белгилансин.

Кўрсатиб ўтилган йиғим миқдори товарларни олиб келишда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқишда солиқ солинадиган базага киритилмайди.

2. Белгилаб қўйилсинки, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари импорт қилинганда ушбу қарорнинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган йиғим хорижий валютага йиғим тўланадиган кунда вужудга келган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда эркин курс бўйича миллий валюта — «сўм»да ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси импорт бўйича олиб келинаётган истеъмол товарлари учун божхона тўловлари ва йиғимлар ундириш механизмини 2002 йил 1 октябргача бўлган муддатда пухта ишлаб чиқсинлар.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 июлдаги 257-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2000 йил 20 сентябрь,  
327-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## **139** Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятни ташкил этиш ва такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ;

Бюджетдан ташқари Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низом ва унинг ташкилий тузилмаси 2, 3-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тўғрисидаги Низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тегишли равишда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг ҳамда Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади.

3. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан чет эл ҳамда мамлакатимиз компьютер ва ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

маркази 2005 йил 1 январгача унинг асосий фаолияти бўйича солиқларнинг барча турларини, йиғимларни тўлашдан ва давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалардан истисно тариқасида озод қилинсин, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ҳамда Республика йўл жамғармасига ажратмалар бундан мустасно.

Белгилансинки, бунда бўшаётган маблағлар Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси бўшаётган маблағларнинг Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази томонидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тўғрисидаги ҳамда Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1997 йил 28 августдаги 420-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 23 сентябрь,  
328-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (бундан буён матнда «Агентлик» деб юритилади) алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат бошқаруви ва тартибга солишнинг махсус ваколатли органи ҳисобланади.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга амал қилади.

3. Агентлик Халқаро электр алоқаси уюшмасида, Жаҳон почта уюшмасида ва алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалашга вакил қилинган орган ҳисобланади.

4. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, банкларда ҳисоб рақамларга эга бўлади.

## II. Агентликнинг асосий вазифалари

5. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

махаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқасини барпо этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши ва хизматлар кўрсатиш, матбуотни, маълумотларни узатиш тармоқларини, шу жумладан Интернетни, радио алоқаси тармоқларини, радиоэшиттириш ва телевидениени ёйиш соҳасида стратегик устуворликларни амалга ошириш;

почта алоқаси тизимида фаолиятни бошқариш, телекоммуникация ва маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини барпо этиш, фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш;

ахборот тизимлари ва воситаларини, телекоммуникациялар ва маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишга шарт-шароитлар яратиш;

замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига мамлакатимиз стандартларини, техник шартларни ва талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ахборот ресурслари бозорини ривожлантиришни ташкил этиш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият турмушининг бошқа соҳаларида ахборот айирбошлашнинг электрон шаклларида ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, почта алоқаси, телекоммуникациялар, ахборот тизимлари тармоқларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси мудофааси ва миллий хавфсизлиги манфаатлари йўлида ҳамда фавқулодда вазиятлар шароитларида улардан устувор фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш.

## III. Агентликнинг асосий функциялари

6. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

алоқа ва ахборотлаштиришни ривожлантиришнинг миллий дастурлари ва концепцияларини ишлаб чиқади ва уларни амалга оширишни ташкил этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолият масалалари юзасидан қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

мамлакатнинг ягона ахборот маконини барпо этиш мақсадида замонавий халқаро стандартларни жорий этади, телекоммуникация ва ахборот технологияларининг мамлакат стандартлари, техник шартлари ва талабларини ишлаб чиқади, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратиш йўли билан алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида улар ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилайди;

почта тўловининг давлат белгилари намуналарини тасдиқлайди ва уларни нашр этиш, жорий этиш ва муомаладан олиб қўйиш тартибини белгилайди;

почта индексларини, ёзма хат-хабарларни олиш оралиғи нормативларини, шунингдек операторлар ва провайдерлар учун мажбурий бўлган почта жўнатмалари ўтишининг назорат муддатларини тасдиқлайди;

телекоммуникациялар тармоқларининг уланиш, операторлар томонидан ўзаро хизматлар кўрсатиш ҳамда улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби ва шартларини тасдиқлайди;

муаммоли илмий-тадқиқот ишлари, ахборот технологияларини, алоқа тармоқлари ва хизматларини, тармоқ стандартлари ва техник шартларни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг маркетинги ва мониторинги бўйича ишларни, ахборот-коммуникация технологияларининг мамлакатимизда ва жаҳонда ривожланиши тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил этишни ташкил этади ҳамда улар бўйича маърузалар тайёрлайди;

радиочастота органи функциясини амалга оширади, радиочастота спектри, радио-электрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш мониторингини олиб бориш, шунингдек радио тўсиқлар, шу жумладан индустриал радио тўсиқларни бартараф этиш ишларини ташкил этади;

алоқа ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари тармоқларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти устидан давлат назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш қондалари ва тартибинини ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлайди;

алоқа ва ахборот технологияларининг техник воситалари ва хизматларини сертифицициялаш ишларини ташкил этади;

телекоммуникациялар ва ахборотлаштириш соҳасида фаолиятнинг айрим турларини лицензиялайди, лицензияларни беради, қайта расмийлаштиради, амал қилишини тўхтатиб туради, амал қилишини тўхтатиб қўяди ва бекор қилади, лицензия битимлари бажарилишини назорат қилади;

рақамлаш режасини ва тизимини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, телекоммуникациялар тармоқларини рақамлаш ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олади, тизимлаштиради ва улар устидан назорат қилади ҳамда Интернет тармоғининг миллий сегментини аниқ маконда тарқатиш ишларини ташкил этади;

почта алоқаси, телекоммуникациялар тармоқлари ва воситалари, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларини белгилайди ҳамда ушбу масалада операторлар ва провайдерлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

идоравий мансублигидан қатъи назар хўжалик юритувчи субъектларнинг техник кучлари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда муҳофаа қобилиятини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш мақсадида манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматлари рўйхатини, улар сифатига қўйиладиган талабларни белгилайди ҳамда почта алоқаси ва телекоммуникацияларнинг универсал хизматларига тарифларни тасдиқлайди;

фойдаланувчиларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда телекоммуникацияларнинг айрим хизматларига тарифларни ва телекоммуникацияларнинг тармоқлараро уланишига тарифларни тартибга солади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида дастурий маҳсулотлар, ахборот ресурслари, хизматлар бозорини шакллантириш ва ривожлантиришга кўмаклашади;

фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларини кўриб чиқади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун тенг шароитлар яратилишига кўмаклашади;

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш



давлат кўмитаси билан биргаликда рақобатни ривожлантиришга кўмаклашади, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ноҳалол рақобатнинг олдини олиш ва монополистик фаолиятни чеклаш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чора-тадбирларни кўради;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида давлат бошқаруви органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида халқаро фаолиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг ваколатли маъмурияти сифатида иш кўради. Халқаро электр алоқаси уюшмаси, Жаҳон почта уюшмаси ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги бошқа халқаро ташкилотларнинг конгресслари, съездлари, конференцияларида Ўзбекистон Республикаси номидан қатнашади, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида белгиланган тартибда халқаро идоравий битимлар ва шартномалар тузади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида халқаро, ҳукуматлараро битимлар ва шартномалар лойиҳаларини тайёрлайди;

инвестиция сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади, почта алоқаси воситалари ва тармоқларини, телекоммуникацияларни, ахборот тизимлари ва технологияларни, дастурий маҳсулотларни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган хизматларни, илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш чора-тадбирларини амалга оширади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун хорижий мамлакатларнинг молиявий институтлари, ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлардан фойдаланишнинг устувор йўналишларини белгилайди ва уларни тақсимлайди;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан тендерлар, танловлар ва савдоларни ташкил этади ва уларни ўтказишда қатнашади;

ўзига қарашли давлат ташкилотлари, корхоналари ва муассасалари ишига беvosита раҳбарлик қилади, улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди, белгиланган тартибда корхоналарни ташкил этади ва уларни тугатади, ўзига қарашли корхоналар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади, уларни рағбатлантириш ва жазолаш тўғрисида қарор қабул қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тузилмани такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

Агентлик тизимининг сафарбарлик режасини, давлат захирасига моддий воситалар жамлаш тузилмаси, таркиби, нормалари ва режасини ишлаб чиқади, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини алоқа билан таъминлаш учун ҳарбий қисм кучлари ва воситалари билан авария-тиклаш ишлари бажарилишини, Агентлик тизимининг алоҳида муҳим объектлари қўриқланишини ташкил этади;

Агентлик тизимига кирувчи бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ўқув юртлари, махсус корхоналар, ҳарбий бўлинмаларнинг бюджетдан молиялаштирилиши эҳтиёжини умумлаштиради ва бюджетдан маблағ билан таъминлашни ташкил этади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида статистика ҳисоботини такомиллаштириш ишларини ташкил этади, статистика ҳисоботини тўплайди, асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилади;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ўқув юртларининг юқори иқтидорли талабаларига Агентликнинг стипендияларини тайинлайди.

Агентлик қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

#### IV. Агентликнинг ҳуқуқлари

##### 7. Агентлик:

Ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида хизматлар кўрсатувчи ёки улардан фойдаланувчи, мазкур соҳада тизимлар ва иншоотларни лойиҳалаштирувчи, қурувчи ва улардан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий бўлган норматив ҳужжатлар чиқариш;

алоқанинг техник воситалари ва ахборот технологияларини белгиланган тартибда сертификатлаш ва Ўзбекистон Республикасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга рухсатномалар бериш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида Агентлик ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тегишли таклифлар киритиш;

фавқулодда вазиятларда (ҳарбий ҳаракатлар, зилзила, сув тошқини, ёнғин, эпидемияларда ва бошқаларда) почта алоқаси, телекоммуникациялар ва ахборот тизимларининг ҳар қандай тармоқлари ва воситаларидан устувор фойдаланиш, шунингдек уларнинг фаолият кўрсатишини чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш;

радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар белгиланган стандартларга ва техник нормаларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, фуқароларнинг хавфсизлигини, атроф муҳит муҳофазасини таъминламаганда, радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўланмаганда, шунингдек алоҳида ҳолатларда улардан фойдаланишни белгиланган тартибда тақиқлаш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида белгиланган тартибда халқаро, идоралараро шартномалар тузиш;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикасининг аъзолик бадалларини тўлаш учун алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ташкилотлар ва компанияларнинг ихтиёрийлик асосида берилган маблағларини жамлаш;

давлат бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралардан Агентлик ваколатига тегишли бўлган масалаларга доир зарур ахборотни сўраб олиш;

Ўз ваколатлари доирасида зиммасига юкланган вазифалардан келиб чиқувчи бошқа ҳуқуқларга эга.

Агентлик почта тўлови давлат белгиларини муомалага чиқариш ва муомаладан олиб қўйиш бўйича мутлақ ҳуқуққа эгадир.

#### V. Агентликнинг ташкилий тузилмаси

##### 8. Агентлик тизимига қўйидагилар киради:

алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳаларни, илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш масалалари бўйича — Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси;

почта алоқаси ва телекоммуникация тизимлари ҳамда ахборот тизимлари ва воситалари муаммоларини тадқиқ этиш, улар маркетинги ва мониторинги, техник воситаларни сертификатлаш бўйича — Илмий-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази;

Ўзбекистон Республикасида почта ва телекоммуникациялар соҳасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати бўйича — Давлат алоқа инспекцияси;

Ўзбекистон Республикасининг радиочастота спектридан фойдаланишни давлат томонидан тартибга солиш ва бошқариш бўйича — Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси;

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш, электрон-тижорат, ахборот хавфсизлиги, иктисодиёт ва менежмент соҳасида мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва улар малакасини ошириш, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш бўйича — Тошкент ахборот технологиялари университети;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий органларининг хат-хабарларини ҳамда дипломатик хат-хабарларни қабул қилиш, етказиб бериш бўйича — Давлат фельдъегерлик хизмати;

республика муассасалари, ташкилотлари ва корхоналарининг махсус хат-хабарларини ва жўнатмаларини қабул қилиш, етказиб бериш бўйича — Республика махсус алоқа узели;

телекоммуникациялар тармоқларидан самарали фойдаланишни мувофиқлаштириш, телекоммуникациялар ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, телекоммуникациялар хизматларига бўлган эҳтиёжни тўлиқроқ қондириш учун турли операторлар тармоқларини мувофиқлаштирган бошқариш тизимини барпо этиш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, мудофаа ва миллий хавфсизлик манфаатлари йўлида тармоқлардан устувор фойдаланиш бўйича — Шаҳарлараро ва халқаро тармоқларни бошқариш маркази;

давлат ва жамоат органларининг, фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Маълумотлар узатиш миллий тармоғининг фаолият кўрсатиши ва унинг ривожланишини таъминлаш, техник воситаларни жорий этиш, республика ягона ахборот маконининг коммуникация асосларини такомиллаштириш ва унинг жаҳон ахборот маконига кириши имкониятларини кенгайтириш бўйича — «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхонаси;

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда телерадио дастурларни тарқатиш ва трансляция қилиш, радиоканаллар бўйича радио алоқаси хизматлари кўрсатиш бўйича — Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва телевидение корхонаси;

радиочастота органи, радиочастоталардан фойдаланишга рухсатномалар бериш, электрмагнит мосликни ва радиочастота спектри мониторингини таъминлаш функцияларини бажариш бўйича — Электромагнит мослик маркази;

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, ахборот, сервис ва консалтинг хизматларининг кенг доирасини кўрсатиш соҳасида дастурлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича — Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази;

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро, почта, ахборот, телекоммуникация тармоқлари ва радио алоқаси тармоқлари, алоқа хизматлари кўрсатувчи радиоэшиттириш ва телевидение ташкилотлари ва муассасалари ҳамда ҳарбий тузилмалар.

## VI. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

9. Агентлик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига идоравий бўйсунди. Агентлик Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

10. Агентликка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган Бош директор бошчилик қилади.

11. Бош директорнинг ўринбосарлари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади, уларнинг сонини белгилаш ва уларни лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

12. Бош директор лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси вазирига, биринчи ўринбосар ва ўринбосарлар — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

13. Агентликнинг Бош директори бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг раиси ҳисобланади.

14. Бош директор:

Агентликка юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб беради, ўринбосарлар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ўринбосарлар, Агентликка қарашли корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулияти даражасини белгилайди;

унга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида хорижий давлатларнинг бунга вакил қилинган мансабдор шахслари билан битимлар ва шартномаларни Ҳукумат номидан имзолаш ваколати белгиланган тартибда берилади.

Агентлик аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш фондиди, штат рўйхатини, аппаратга сарфланадиган харажатлар сметасини тасдиқлайди, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони ва таркибини, рағбатлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори ва тизимини белгилайди;

Агентлик аппаратининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга бўлади;

ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун буйруқлар ва фармойишлар чиқаради; тасдиқланган номенклатурага мувофиқ Агентлик аппарати ходимларини, Агентликка қарашли давлат ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

15. Агентликда Бош директор — ҳайъат раиси, лавозимига кўра Бош директор ўринбосарлари, шунингдек Агентлик тизимининг бошқа раҳбар ходимларидан иборат 11 кишидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади. Ҳайъатнинг шахсий таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат ўз мажлисларида алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришнинг, илмий-техника ютуқларидан кенг қўламда фойдаланиш, идоралараро ва давлатлараро алоқаларни ривожлантиришнинг асосий масалаларини ҳамда фаолиятнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади, қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари, қоидага кўра, Агентликнинг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда Бош директор келиб чиққан келишмовчиликлар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда ўз қарорини ҳаётга жорий этади. Ҳайъат аъзолари, ўз навбатида, ўз фикрини Вазирлар Маҳкамасига маълум қилишлари мумкин.

16. Агентлик аппарати таъминоти Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан, шунингдек қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалардан амалга оширилади.

17. Агентликни тугатиш ёки қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси (бундан буён матнда «Жамғарма» деб юритилади) алоқа ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор ва ижтимоий аҳамиятга молик бўлган лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга амал қилади.

3. Жамғарма юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, банк ҳисоб рақамларига, Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампларга, бланкларга эгадир.

Жамғарма ўз мажбуриятлари бўйича ўзининг барча активлари билан жавоб беради.

Жамғарманинг маблағлари мазкур Низомда назарда тутилган мақсадлар ва вазифаларни амалга оширишга йўналтирилади.

### **II. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари**

4. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги кирувчи алоқа объектлари ва корхоналарини хусусийлаштиришдан тушган маблағларнинг 40 фоизи;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги кирувчи акциядорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар акцияларининг давлатга тегишли пакетлари (улушлар) бўйича дивидендларнинг 25 фоизи;

алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилганлиги учун давлат божи тўлашдан тушувчи маблағларнинг 50 фоизи;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек халқаро ташкилотларнинг беғараз бадаллари;

Жамғарманинг вақтинча бўш турган маблағларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушган даромадлар;

алоқа соҳасида норматив ҳужжатлар талаблари, давлат тармоқ стандартлари, кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилганлиги учун мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан қатъи назар алоқа соҳасида фаолиятни амалга ошираётган юридик шахсларга солинган жарима жазолари маблағлари, монополияга қарши қонун ҳуж-

жатлари бузилганлиги учун солинадиган иқтисодий жазолар ва жарималар бундан мустасно.

### III. Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари

5. Қуйидагилар Жамғарманинг вазифалари ва фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади:

мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган манбалардан тушган маблағларни жамлаш;

Жамғарма ҳисоб рақамларида жамланган маблағлардан:

маълумотлар узатиш тармоқларини ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш соҳасида устувор лойиҳалар, илмий-тадқиқот ишлари ва дастурлар;

алоқа, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида хизматларнинг янги турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ҳамда республиканинг бутун ҳудудида миллий ва халқаро ахборот тармоқларидан юқори тезликда фойдаланиш;

алоқа, компьютер ва тармоқли технологиялар, дастурий маҳсулотлар ва маълумотларнинг электрон базалари соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, шунингдек компьютер ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланишга асосланган ўқитиш тизими;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги аппарати, шунингдек унинг тизимига кирувчи даромадларнинг мустақил манбаига эга бўлмаган телекоммуникация тизимларини тартибга солиш, бошқариш ва назорат қилиш давлат органлари фаолияти;

танлов асосида танланадиган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини реконструкция қилиш, ривожлантириш ва компьютерлаштириш лойиҳалари;

эфирга рухсат берилмаган чиқишларнинг ва давлат тузилмалари радио воситаларига тўсқинлик қилишнинг олдини олиш мақсадида радио частота спектрдан фойдаланиш устидан давлат назорати учун махсус назорат-ўлчов техникаси сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш;

сифатли ахборот-коммуникация технологиялари ва мамлакатимизнинг дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш;

қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатувчи алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение корхоналарига вақтинчалик молиявий ёрдам бериш;

почта ходимлари учун формали кийим бош ва велосипед сотиб олиш харажатларини қисман қоплаш;

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқлари ва чекка аҳоли пунктларининг телекоммуникация инфратузилмасини мақсадли қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;

операторлар ва провайдерлар томонидан кўрсатиладиган универсал алоқа хизматларини ривожлантиришни маблағ билан таъминлаш;

телекоммуникация асбоб-ускуналари етказиб бериш бўйича тузилган контрактлар бўйича «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг қарзларини қисман қайтаришни маблағ билан таъминлашда фойдаланиш.

### IV. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тартиби

6. Жамғарма маблағлари ўз фаолиятини республика ҳудудида тегишли лицензиялар асосида амалга оширувчи, асосий фаолияти бўйича хизматлар ҳажми тушум бу-

тун ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этувчи, мулкчилик шаклларида қатъи назар фақат юридик шахсларга, шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ўқув, илмий-тадқиқот муассасаларига ҳамда тартибга солиш, бошқариш органларига ажратилиши мумкин.

7. Жамғарма маблағлари:

беғараз молиявий қўйилмалар ва грантлар;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг махсус комиссияси танловидан ва «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки экспертизасидан ўтган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ривожлантириш лойиҳалари учун Жамғарма томонидан бериладиган қарзлар;

Жамғарманинг «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банкидаги кредит линияси орқали кредитлар шаклида ажратилади.

8. Жамғарма маблағлари Жамғарманинг тасдиқланган бюджетига мувофиқ Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда «Алоқабанк»нинг экспертизасидан ўтган алоқа воситалари ва тармоқларини, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини, радиоэшиттириш ва телевидениени ривожлантиришнинг аниқ лойиҳаларига ажратилади.

Жамғарма маблағлари шунингдек алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги кичик ва ўрта бизнес субъектларига Жамғарманинг тасдиқланган бюджетига мувофиқ Жамғарманинг «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банкидаги кредит линияси орқали кредитлар шаклида ажратилиши мумкин.

#### **V. Жамғарманинг ҳуқуқлари**

9. Жамғарма қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

мазкур Низомнинг II бўлимида белгиланган манбалардан тушувчи маблағларни ўзининг банк ҳисоб рақамларида жамлаш;

маблағларни алоқа корхоналари сармоясига инвестиция қилиш йўли билан улардан фойдаланиш, алоқа корхоналарига Жамғарманинг «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки ва унинг филиалларидаги кредит линияси орқали кредитлар бериш;

Жамғарма томонидан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, маблағ билан таъминлашни тўхтатиб қўйиш ёки қонун бузилиши аниқланган тақдирда ажратилган маблағларни чақириб олиш;

вақтинча бўш маблағларни қисқа муддатли ликвидли молиявий воситалар (депозитлар, қимматли қоғозлар, облигациялар ва ҳоказолар)га жойлаштириш.

10. Жамғарма маблағларини жойлаштиришга доир барча операциялар Жамғарма Кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Жамғарма бюджети доирасида Жамғарма Кенгаши билан келишган ҳолда амалга оширилади.

11. Жамғарма Жамғарманинг маблағларини алоқа воситалари ва тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологиялари, радиоэшиттириш ва телевидениенинг аниқ лойиҳаларига ажратиш учун шартлар, талаблар ва қоидаларни белгилашга ҳақлидир.

12. Жамғарма савдо-воситачилик, лизинг, траст, ипотека операцияларини амалга ошириш, шунингдек қарз маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эга эмас.

#### **VI. Жамғарманинг мажбуриятлари**

13. Жамғарма:

ресурслардан самарали фойдаланилишини таъминлашга;



Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қарз олувчини назорат қилишга;

ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа хизматларининг барча турларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга кўмаклашишга;

хар йилнинг 1 декабридан кечикмай чораклар, тушум манбалари ва харажатлар йўналишлари бўйича навбатдаги йилга прогноз бюджетни тузишга ҳамда уни Жамғарма Кенгаши тасдиқлаши учун киритишга;

хар бир календарь чоракдан кейин йигирма кун мобайнида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тугаган чорак учун молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этишга;

хар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тугаган давр учун Жамғарма фаолияти тўғрисида ёзма ҳисобот тақдим этишга мажбурдир.

## VII. Жамғармани бошқариш

14. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки кўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳукумат алоқаси хизмати раҳбарларининг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Жамғарма Кенгаши Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади.

Жамғарма Кенгашининг шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари Жамғарма Кенгашининг раиси ҳисобланади.

Жамғарма Кенгаши раиси ва аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар.

15. Жамғарма Кенгаши маблағлардан, шу жумладан фойдадан фойдаланишнинг устувор йўналишлари ва шартларини белгилайди, бюджетни кўриб чиқади, Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида Жамғарма директорининг ҳисоботини эшилади.

16. Жамғарма Кенгаши мажлиси бир чоракда камида бир марта ўтказилади. Зарурат бўлганда навбатдан ташқари мажлислар чақирилиши мумкин.

17. Жамғарманиннг жорий фаолиятига ва Жамғарма Кенгаши қарорлари бажарилишига раҳбарлик қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда Ўзбекистон алоқа ва ахборот агентлиги томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод қилинадиган ҳамда лавозимга Жамғарма Кенгаши томонидан тасдиқладиган директор бошчилигидаги дирекция томонидан амалга оширилади.

18. Жамғарма директори:

Жамғарманиннг жорий фаолиятини ташкил этади ва Жамғармага юкланган вазифалар бажарилиши учун жавоб беради;

Жамғарма ходимларини ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

давлат органлари, муассасалар ва корхоналар, юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар олдида Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

юридик ва жисмоний шахслар билан Жамғарма фаолиятига тегишли шартномаларни тузади, Жамғарма номидан ишончномасиз иш кўради;

штат рўйхатини, Жамғарма маблағлари ҳисобига Жамғарма аппарати таъминотига харажатлар сметасини тузади ва тасдиқлаш учун Жамғарма Кенгашига тақдим этади;

лавозим йўриқномаларини ва Жамғарманиннг бошқа ички ҳужжатларини тасдиқлайди;


Жамғарма номидан даъво аризалари беради;  
Жамғарма ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

мазкур Низомга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

19. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тугатилади ва қайта ташкил этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига  
3-ИЛОВА

### Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг бошқарув аппарати тузилмаси



Жами — 7 киши

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига  
4-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси тўғрисида НИЗОМ

1. Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузурида радиочастота спектрдан фойдаланишни тартибга солиш соҳасида ишларни самарали бажариш, радиочастоталардан фойдаланиш ва уларнинг йўналиши масалалари бўйича республика манфаатларини халқаро ташкилотларда ҳуқуқий ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган.

2. Комиссия радиочастота спектрини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади, радиочастоталардан фойдаланиш масалалари бўйича халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ифодалайди.

3. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президен-

тининг Фармонлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Халқаро электр алоқаси уюшмасининг норматив ҳужжатларига ва мазкур Низомга амал қилади ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

4. Комиссия юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва банкларда ҳисоб рақамларига эга бўлади.

## II. Комиссиянинг вазифалари

5. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

радиочастота органлари ўртасида радиочастота полосаларини тақсимлаш, радиочастоталарни тақсимлаш миллий жадвалини ва радио алоқаси миллий регламентини шакллантириш;

радиочастотани режалаштириш, уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш масалаларида халқаро ташкилотларда вакиллик қилиш ва Ўзбекистон Республикаси манфаатларини халқаро ҳуқуқий ҳимоя қилиш;

радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

радиочастота спектри тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш;

радиочастота спектрдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

## III. Комиссиянинг функциялари

6. Белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Комиссия:

барча турдаги радиоэлектрон воситалар учун частота беришни ҳисобга олиш тартибини белгилайди;

радиочастота спектрдан фойдаланиш ва уни назорат қилиш тартибини белгилайди;

радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича ўз ваколатлари доирасида норматив ҳужжатлар қабул қилади;

частота беришни хорижий давлатлар алоқа маъмуриятлари билан белгиланган тартибда мувофиқлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси радиоэлектрон воситаларига берилган частоталарни Халқаро электр алоқаси уюшмасида рўйхатдан ўтказди;

радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида қўшни давлатлар маъмуриятлари билан ҳамкорлик қилади;

радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси манфаатлари ҳимоя қилинишини ташкил этади;

Халқаро электр алоқаси уюшмаси, Алоқа минтақавий ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда улар органларининг радиочастота спектрини тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари бўйича конференциялари ва йиғилишлари тайёрлашини ташкил этади ва уларда қатнашади ҳамда улар қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

миллий йўлдош тизимлари учун радиочастоталар полосасини, туриш нуқталарини тақсимлашни ва улардан фойдаланишни режалаштиради, шунингдек хорижий

мамлакатларнинг сунъий Ер йўлдошлари орқали ишловчи йўлдош алоқанинг ер усти станцияларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун радиочастоталар полосаларидан фойдаланиш масалаларини ҳал этади;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан халқаро ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган масалаларни ҳамда республиканинг халқаро электр алоқаси конвенциясига ва бошқа халқаро ҳужжатларга тегишли мажбуриятларини келишади;

радиоэлектрон воситаларни частотали-ҳудудий тарқатиш нормалари ва индустриал радио тўсиқларнинг йўл қўйиладиган кўрсаткичлари нормалари ишлаб чиқишини ташкил этади ва уларни тасдиқлайди;

радиоэлектрон воситаларнинг электромагнит мослигини белгиловчи талаблар юзасидан радиоэлектрон воситаларга стандартлар ва техник шартлар лойиҳаларини, радиочастоталардан, фарқлаш сигналларидан фойдаланишни, радиоэлектрон воситаларни етказиб бериш тартибини келишади;

илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари мавзулари, давлат стандартларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлайди ва хулосалар беради;

частоталарни тақсимлашнинг миллий жадвалини ва республика радио алоқаси регламентини ишлаб чиқади ва нашр этади;

вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалардан ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш имконияти тўғрисидаги буюртманомаларини кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилади;

электромагнит мосликни белгиловчи техник тавсифлар юзасидан юқори частотали қурилмалар, электр қурилмалар, машиналар, аппаратлар, приборларга стандартларни, техник шартларни, шунингдек индустриал тўсиқларга умумдавлат стандартлари лойиҳаларини кўриб чиқади ва келишади;

радиочастота органлари ўртасида радиочастота полосаларини тақсимлайди ва радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

ишлаб чиқилаётган (замонавийлаштирилаётган), ишлаб чиқарилаётган ва чет элдан харид қилинаётган радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалар учун радиочастоталар полосасини ажратади.

#### IV. Комиссиянинг ҳуқуқлари

7. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектридан фойдаланиш ва радиоэлектрон воситаларининг электромагнит мослигини таъминлаш тартибини белгилаш;

радиоэлектрон воситалар учун давлат стандартлари, техник шартлар, нормалар, фойдаланиш қоидалари ва бошқа норматив-техник ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда радиочастота спектридан вақт ва (ёки) ҳудуд бўйича фойдаланишни тўхтатиб ёки чеклаб қўйиш;

радиочастота органларининг қарорлари Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган амалдаги норматив ҳужжатлар талабларини бузган тақдирда уларни бекор қилиш;

радиочастота органларининг радиочастота спектрини самарали тақсимлаш ва фойдаланишга оид фаолиятини тартибга солиш;

давлат бошқаруви органлари, жисмоний ва юридик шахслардан Комиссия ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур ахборотларни сўраб олиш.

Комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари ҳамда радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

#### **V. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

8. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори Комиссиянинг раиси ҳисобланади.

9. Қуйидагилар:

Ички ишлар вазири, Мудофаа вазири, Фавқулодда вазиятлар вазири, Адлия вазири, Ташқи ишлар вазири, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосарлари;

Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, «Ватанпарвар» мудофаага қўмаклашувчи ташкилотлар марказий кенгаши, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси раисининг ўринбосарлари;

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосарлари;

Ҳукумат алоқа хизмати, «Дававианазорат» инспекцияси бошлиқларининг ўринбосарлари лавозимига ва юқорида кўрсатиб ўтилган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг тақдимномасига кўра Комиссия аъзолари этиб белгиланган.

10. Комиссия аъзолари ўз вазифаларини жамоатчилик асосида бажарадилар. Ходимлари Комиссия таркибига киритилган вазирликлар, идоралар ва давлат бошқаруви бошқа органлари раҳбарлари уларнинг Комиссия таркибида ишлаши учун шартшароит яратиб берадилар.

11. Комиссиянинг мувофиқлаштириш, материалларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш бўйича жорий тезкор фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузурида Комиссия раисининг ўринбосари бошчилик қиладиган Комиссиянинг ижро этувчи дирекцияси ташкил этилади.

12. Ижро этувчи дирекция фаолияти радиочастота спектридан фойдаланганлик учун тўлов маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминланади.

13. Комиссия раиси ижро этувчи дирекция тузилмасини, штатлар рўйхатини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 23 сентябрдаги 328-сон қарорига  
5-ИЛОВА

#### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 20 февралдаги 73-сон қарори билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ҳукумат алоқа хизмати ҳақидаги Низом I бўлими 11-бандининг иккинчи хат бошидаги ҳамда II бўлими 2 ва 3-бандларидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республи-

каси радиочастоталар бўйича давлат комиссияси тўғрисида» 1992 йил 3 сентябрдаги 406-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 9-сон, 27-модда) 3-банднинг иккинчи хат боши ҳамда 4-банд чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июндаги 275-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган Муқобил хизматни ташкил этиш ва ўташ тартиби тўғрисидаги Низомга илованинг еттинчи хат бошидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш, реконструкция қилиш ва уларнинг иш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 12 октябрдаги 502-сон қарори 4 ва 5-бандларидаги «Алоқа вазирлигининг» ва «Алоқа вазирлиги ҳузуридаги» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» ва «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури тўғрисида» 1995 йил 1 августдаги 307-сон қарорида:

5 ва 9-бандлардаги «Ўзистикболстат» давлат қўмитаси», «Алоқа вазирлигига», «Алоқа вазирлиги» сўзлари тегишли равишда «Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

1-илова 2 бобининг охири хат бошидаги «Тошкент алоқа электротехника институти» сўзлари «Тошкент ахборот технологиялари университети» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг «ИНТЕЛСАТ» йўлдош алоқаси халқаро ташкилотига кириши тўғрисида» 1997 йил 24 февралдаги 105-сон қарорининг 2-бандидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 31 июлдаги 380-сон қарорида:

3-банднинг учинчи ва тўртинчи хат бошидаги, 4-банднинг иккинчи хат бошидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

1,2,8 ва 10-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

1, 1а, 2, 2а ва 7-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 4-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Кичик корхоналар учун солиқ солишнинг содалаштирилган тизимини қўллаш тартибининг 1-банди қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Тартибнинг амал қилиши дастурий воситалар ишлаб чиқаришга, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизмати кўрсатишга, компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашга ўқитишга ихтисослашадиган ташкилотларга (ходимлар сонидан қатъи назар) ҳам татбиқ этилади».

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1998 йил 1 июлдаги 274-сон қарори номида ва матнида ҳамда қарорга иловаларда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига

кўрсатмалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Частота спектридан фойдаланиш, радиотеледастурларни шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 10 июлдаги 293-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 26-модда):

а) 6-бандда:

иккинчи хат бошидаги «почта ва телекоммуникациялар» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хат бошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси», «Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-бандда:

тўртинчи хат боши чиқариб ташлансин;

в) 2-илованинг 5, 9 ва 10-бандларидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

5-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасига» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига» сўзлари билан алмаштирилсин, «Фан ва техника давлат қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин, «Фан ва техника давлат қўмитаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банднинг биринчи хат бошидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси», «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари тегишли равишда «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги», «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-илованинг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маълумотлар узатиш миллий тармоғини ташкил этиш ва жаҳон ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 5 февралдаги 52-сон қарориди:

а) 1-банддаги ва 2-банднинг учинчи хат бошидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

учинчи хат бошидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хат бошидаги «Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.



12. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида провайдерлар ва абонентларнинг Маълумотларни узатиш миллий тармоғидан ахборот олиши ва улардан фойдаланиши қоидаларида:

а) 4-банднинг иккинчи хат бошидаги ҳамда 8 ва 9-бандлардаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«7. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш Почта ва телекоммуникациялар хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширувчи давлат алоқа инспекцияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги томонидан амалга оширилади»;

в) 21-банднинг в) кичик бандидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999—2003 йилларда Ўзбекистон Республикаси Маълумотларни узатиш миллий тармоғини модернизация қилиш ва уни ривожлантириш дастури тўғрисида» 1999 йил 22 апрелдаги 193-сон қарорига илова 1.3-кичик бандининг биринчи хат бошидаги ва 3-жадвал номидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (II босқич) учун Япония хорижий иқтисодий ҳамкорлик жамғармасининг имтиёзли кредитига хизмат кўрсатиш чоратадбирлари тўғрисида» 1999 йил 6 июлдаги 331-сон қарори 5-бандининг тўртинчи хат бошидаги, 6-бандининг биринчи хат бошидаги, 7-бандидаги, 9-бандининг биринчи ва иккинчи хат бошидаги ва 10-бандидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2000 йил 30 июндаги 253-сон қарорида:

а) 1-бандда:

биринчи хат боши чиқариб ташлансин;

иккинчи хат бошидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-илова номидаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 73-модда):

а) 1-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги», «телекоммуникациялар ва почта алоқаси» сўзлари «алоқа ва ахборотлаштириш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хат боши чиқариб ташлансин;

б) 2-иловада:

2 ва 30-бандлардаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

42-банддаги «Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги Низомга 2 ва 3-иловалардаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 октябрдаги 429-сон қарори билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001й., 10-сон, 60-модда) Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда:

4-банддаги «Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги» сўзлари «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банд қуйидаги мазмундаги хат боши билан тўлдирилсин:

«Радиочастота спектридан фойдаланганлик учун олинган ва радиочастота спектридан фойданишни давлат томонидан бошқариш ҳамда мониторинг олиб бориш харажатларини қоплашга йўналтирилган маблағлар даромад ҳисобланмайди ва тегишли равишда уларга солиқ солинмайди».

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент телеминорасининг узатувчи телевизион комплексини замонавийлаштириш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 6 ноябрдаги 440-сон қароридagi Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигига кўрсатмалар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **140** **Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги** **Низом ва транспорт-экспедиторлик хизматлари** **кўрсатиш тартибига қўшимчалар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 248-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 9 сентябрдаги 348-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 9-сон, 59-модда) билан тасдиқланган Транспорт-экспедиторлик корхоналари тўғрисидаги Низом ва транспорт-

экспедиторлик хизматлари кўрсатиш тартибининг 9-бандига қўйидаги мазмундаги хат боши қўшилсин:

«Жисмоний шахслар томонидан товарлар тижорат мақсадлари учун олиб келинаётганда шартномага олиб келинаётган товарларни божхона расмийлаштируви бўйича транспорт-экспедиторлик ташкилотлари томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартларнинг киритилишига йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда божхона расмийлаштируви бевосита жисмоний шахслар — товарларнинг эгалари томонидан амалга оширилади».

### Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. СУЛТОНОВ

Тошкент ш.,  
2002 йил 25 сентябрь,  
332-сон

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 141 Космик тадқиқотларни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Космик тадқиқотларни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 26 сентябрдаги ПФ-3135-сон Фармони ба-жариш юзасидан ҳамда астрономик ва космик тадқиқотларнинг янада ривожлантирили-шини, тадқиқотлар натижаларининг республикани иқтисодий ва ижтимоий ривож-лантиришнинг устувор йўналишларига самарали жорий этилишини таъминлаш мақ-садида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Космик тадқиқотлар марказининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

астрономия, Ерни, ер атрофидаги фазони ва узоқ космик объектларни ўрганиш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш;

космик тадқиқотлар ва технологиялар ютуқларини республикани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига жорий этиш бўйича мақсад-ли дастурларни шакллантириш ва амалга ошириш;

манфаатдор ташкилотлар ва тузилмалар билан биргаликда самарали экологик назоратни, рўй бериши мумкин бўлган табиий офатларнинг олдини олишни, космос-дан ерни масофадан туриб зондлаш йўли билан табиий ресурсларни тадқиқ этишни ташкил қилиш;

астрономия ва космик тадқиқотлар соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда тижорат мақсадидаги космик фаолиятни ривожлантириш.

2. Космик тадқиқотлар маркази бошқарув аппаратининг тузилмаси ва 12 киши-дан иборат бўлган (ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) штатдаги ходимларининг чекланган сони иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки, Космик тадқиқотлар маркази:  
юридик шахс ҳисобланади;

унинг фаолиятини маблағ билан таъминлаш Марказ таркибига кирувчи Тошкент космик асбобсозлик илмий-тадқиқот институти, Чирчиқдаги «Композит» тажриба-экспериментал заводи томонидан уларнинг хўжалик фаолиятдан олишган маблағларидан ажратмалар, шунингдек халқаро жамғармалар ва ташкилотлар грантлари, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси бир ой муддатда Космик тадқиқотлар маркази тўғрисидаги Низомни белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон давлат коинотни тадқиқ этиш агентлиги балансидаги асосий фондлар, мол-мулклар ва моддий бойликларни Космик тадқиқотлар марказига берсин.

Космик тадқиқотлар маркази Тошкент шаҳар, Боровский кўчаси, 2-уйга жойлаштирилсин.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат коинотни тадқиқ этиш агентлиги масалалари тўғрисида» 1993 йил 5 февралдаги 59-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «2001-2002 йилларда хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича келгусидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 9 мартдаги 119-сон қарорига 3-илованинг 14-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Х.С. Кароматов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 сентябрь,  
334-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2002 йил 27 сентябрдаги 334-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Космик  
тадқиқотлар маркази бошқарув аппаратининг  
ТУЗИЛМАСИ**



Штатдаги жами ходимлар 12 киши

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**142** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг республика ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш, жисмоний шахслар томонидан республика ҳудудига истеъмол товарлари олиб келиниши тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йил 1 октябрдан бошлаб жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар товарларнинг барча тоифалари бўйича божсиз олиб келиш нормалари қўлланилмасдан товар божхона қийматининг:

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й.*

озик-овқат товарлари бўйича 40 фоизи (ундан ташқари);

ноозик-овқат товарлари бўйича 70 фоизи миқдориди тўланиши белгилансин.

2. Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан тижорат фаолияти учун мўлжалланган урни олиб келишда ягона божхона тўловининг ноль ставкаси сақлаб қолинсин.

3. Белгилансинки, 2002 йил 1 октябрдан бошлаб товарларни Ўзбекистон Республикасига олиб келишда жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўлови хорижий валютага йиғим тўланадиган кунда вужудга келган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибга ва тасдиқланган ставкаларга мувофиқ эркин курс бўйича миллий валюта — «сўм»да тўланади.

4. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида» 2002 йил 6 майдаги 154-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 24-модда) 2-банди;

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2002 йил 12 июлдаги 248-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 7-сон, 40-модда) 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2002 йил 27 сентябрь,  
335-сон